

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК:330.322 (575.1)*

**Жалилова Мафтуна Нуриддин қизи**

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**5A350301 – АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент мутахассислиги  
бўйича магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИ С С Е Р Т А Ц И Я**

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доцент А.Н. Арипов

**Тошкент 2016**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Факультет: АКТ соҳасида иқтисодиёт  
ва менежмент

Магистратура талабаси: М.Н.Жалилова

Кафедра: Менежмент ва маркетинг

Илмий раҳбар: А.Н.Арипов

Ўқув йили: 2014-2016

Мутахассислиги: 5А350301 – Ахборот  
коммуникация технологиялари соҳасида  
иқтисодиёт ва менежмент

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ**

**Мавзунинг долзарблиги.** Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантириш борасидаги муаммони умумий тарзда ўрганиш, алоқа корхоналарининг инвестицион жозибадорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий хулоса ва ечимлар ишлаб чиқиш мавзунинг долзарблигини асослайди.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқот мақсади алоқа корхоналарида инвестиция фаолиятини таҳлил қилиш, жалб этилган инвестицияларни самарали қўллаш ва такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот ишида белгиланган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш назарда тутилади: инвестиция фаолиятининг аҳамияти ва унинг иқтисодий муносабатдаги ролини назарий жиҳатдан ёритиш, инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг иқтисодий механизмларини ёритиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инвестиция фаолиятини ташкил этилганлик ҳолатини ёритиш, “Ўзбектелеком” АК молиявий-хўжалик ва инвестиция фаолияти натижаларини таҳлил қилиш, инвестиция фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмларини самарали қўллаш усуллари аниқлаш, “Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишда хорижий тажрибадан фойдаланиш, “Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш йўллари кўрсатиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** “Ўзбектелеком” АК ва унинг таркибидаги филиаллари тадқиқотнинг объекти сифатида олинган. “Ўзбектелеком” АК да инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва компаниянинг асосий молиявий кўрсаткичлари таҳлил тадқиқотнинг предмети саналади.

**Тадқиқот услубияти ва услублари.** Тадқиқотни олиб бориш жараёнида таққослашга асосланган, график, таҳлилий, иқтисодий-математик ва тизимли таҳлил услубларидан ўринли фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси:** инвестиция фаолияти ва унинг иқтисодий механизмлари тушунчасининг моҳияти ёритиб берилган, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инвестицион жараёнларнинг ташкил этилиши ва ривожланиши кўрсатилган,

“Ўзбектелеком” АК молиявий-хўжалик ва инвестиция фаолияти натижаларини таҳлил қилинган, “Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш йўллари кўрсатилган, “Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишда хорижий тажрибадан фойдаланиш йўллари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи.** Ўзбекистон Республикаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарда инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган илмий-амалий тавсиялардан фойдаланиш имкониятлари билан белгиланади. Тадқиқот натижасида келтирилган таклифлар ва мулоҳазалар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритаётган алоқа корхоналарида, шунингдек, “Ўзбектелеком” АК ва унинг филиалларида инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

**Иш тузилиши ва таркиби:**Магистрлик диссертацияси кириш қисми, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Умумий ҳажми 100 бетдан иборат.

**Бажарилган ишнинг асосий натижалари.** Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва иқтисодий механизмларнинг ўрни ёритиб берилган, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инвестиция фаолиятини ташкил этилганлик ҳолати таҳлил қилинган, “Ўзбектелеком” АК фаолияти тавсифи ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни кўрсатилган, “Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган, “Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишнинг асосий йўналишлари кўрсатилган, “Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

**Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси:** Кадрлар сиёсатини янада такомиллаштириш, маркетинг сиёсатини инвестицион фаолият соҳасида кенгайтириш, инвестиция фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида ахборот коммуникация технологиялари жалб қилинган инвестицияларнинг, айниқса ички инвестицияларнинг муҳимлигига янада эътибор қаратиш. “Ўзбектелеком” АК хизматларидан фойдаланувчилар сонини кўпайтириш мақсадида хориж инвестициясини жалб этиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш, Мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи операторлар ҳам интернет хизматларини кўрсатиш жараёнидан фаол иштирок этаётганлигини ҳисобга олган ҳолда вилоятларда ҳам барқарор бозор улушига эга бўлишини таъминлаш чора тадбирларини ишлаб чиқиш, “Ўзбектелеком” АК тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда истеъмолчиларнинг истиқболдаги талабларини тўлиқ қондириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Илмий раҳбар

\_\_\_\_\_

(имзо)

Магистратура талабаси

\_\_\_\_\_

(имзо)

**MINISTRY FOR DEVELOPMENT INFORMATION TECHNOLOGIES  
AND COMMUNICATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
TASHKENT UNIVERSITY OF INFORMATION TECHNOLOGIES**

Faculty: Economics and management in ICT sphere Master's degree student: M.Jalilova

Department: Management and marketing Scientific director: A.Aripov

Period of study: 2014-2016 Specialist: 5A350301 – Economics management in ICT sphere

**THE ANNOTATION OF MASTERS DISSERTATION**

**The actuality of theme.** Learning average of issues the development investment activities on information communication technologies field, supplying with the investment activities of attractiveness of communication companies, producing development investment activities on telecommunication sphere of solutions as well as practical conclusions.

**The aim of the work and tasks.** The aim of research is to analyze productivity of investment use in communication companies, to determine prospects and consequences and to elaborate practical recommendations and suggestions to improving it. Investment activity and enlighten the idea of investment activity, to define the main principles of investment activity development, description of “Uzbektelecom” JSC activity and to define its role in state economy to analyze present condition of “Uzbektelecom” JSC activity, to show main directions of future development investment activities in “Uzbektelecom” JSC investment activity productively, to elaborate “Uzbektelecom” JSC investment activity development measures.

**The object and predmet of the research.** It has been taken as an object of the research “Uzbektelecom” JSC and its branches. The predmet of the research the analysis main financial indicators and organizing economic mechanism developements at “Uzbektelecom” JSC.

**The styles and methods of the research.** During the research, graphics, analytical, economic –mathematic and systematic analyze methods based on comparison are used.

**The novelty of scientific results of research.** The main principles of investment activity development are defined, the activity of “Uzbektelecom” JSC description and its role in state economy are shown, the present condition of “Uzbektelecom” JSC activity are analyzed, main directions of future development investment activities in “Uzbektelecom” JSC investment activity, “Uzbektelecom” JSC investment activity development measures are elaborated.

**Main assumptions and tasks of the research.** In the information communications field of Republic of Uzbekistan companies that are running their activities devoted to using the scientific-practical investment activity. As a result of

research work may use the recommendations as well as suggestions on communication companies and development investment activities at “Uzbektelecom” JSC and its branches.

**The component of the work.** Masters dissertation consists of introduction, three chapters, conclusion, the lists of used literatures and appendix. Total amount of work 100 pages.

**The main results of done research.** The main principles of investment activity development are shown, the description of “Uzbektelecom” JSC and its role in state economy, the present condition of “Uzbektelecom” JSC activity are analyzed, main directions of future development investment activities in “Uzbektelecom” JSC.

**The little total expression of conclusion and invitations:** To improve HR policy, to expand marketing policy in the sphere of investment activity, to elaborate measures of attract foreign capitals in order to multiply users of “Uzbektelecom” JSC branch services. Increasing using subscribers from “Uzbektelecom” JSC so development attracting foreign investment activity and producing investment activity measures, producing the services which works in the rural areas, motivating of “Uzbektelecom” JSC field and development aimed at full demands of future consumers.

Scientific director

---

(signature)

Master’s degree student

---

(signature)

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>		<b>7</b>
<b>1 БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>		<b>11</b>
1.1.	Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва унинг моҳияти.....	11
1.2.	Инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари.....	23
1.3.	Инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг иқтисодий механизмлари.....	32
1 боб бўйича хулоса.....		41
<b>2 БОБ. СОҲАДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ.....</b>		<b>42</b>
2.1.	Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида инвестиция фаолиятини ташкил этилганлик ҳолати.....	42
2.2.	“Ўзбектелеком” АК молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили.....	52
2.3.	“Ўзбектелеком” АК инвестицион фаолияти таҳлили.....	66
2 боб бўйича хулоса.....		77
<b>3 БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....</b>		<b>78</b>
3.1.	Инвестиция фаолиятининг иқтисодий механизмларини самарали қўллаш усуллари.....	78
3.2.	“Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишда хорижий тажрибадан фойдаланиш.....	83
3.3.	“Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш йўллари.....	93
3 боб бўйича хулоса.....		98
<b>ХУЛОСА.....</b>		<b>99</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ.....</b>		<b>102</b>
<b>ИЛОВА</b>		<b>106</b>

## КИРИШ

### **Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.**

Мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларининг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда, жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас.

Республикамизнинг иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимида кўп ўзгаришлар амалга оширилиб келинмоқда, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши, инвестиция ва инвестицион фаолиятлар ҳисобига такомиллашиб келмоқда. Шу билан бир қаторда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бинобарин, бу борада сўз кетганда Президентимиз И.А.Каримовнинг куйидаги фикрларини таъкидлашимиз лозим: “Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400

миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини яқунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.”<sup>1</sup>.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** “Ўзбектелеком” АК ва унинг таркибидаги филиаллари тадқиқотнинг объекти сифатида олинган. “Ўзбектелеком” АК да инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва компаниянинг асосий молиявий кўрсаткичлари таҳлил тадқиқотнинг предмети саналади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Тадқиқот мақсади алоқа корхоналарида инвестиция фаолиятини таҳлил қилиш, жалб этилган инвестицияларни самарали қўллаш ва такомиллаштириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича амалий таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- инвестиция фаолиятининг аҳамияти ва унинг иқтисодий муносабатдаги ролини назарий жиҳатдан ёритиш;
- инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг иқтисодий механизмларини ёритиш;
- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инвестиция фаолиятини ташкил этилганлик ҳолатини ёритиш;
- “Ўзбектелеком” АК молиявий-хўжалик ва инвестиция фаолияти натижаларини таҳлил қилиш;
- инвестиция фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмларини самарали қўллаш усулларини аниқлаш;
- “Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишда хорижий тажрибадан фойдаланиш;
- “Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш йўллари кўрсатиш.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

### **Илмий янгилиги:**

- инвестиция фаолияти ва унинг иқтисодий механизмлари тушунчасининг моҳияти ёритиб берилган;
- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инвестицион жараёнларнинг ташкил этилиши ва ривожланиши кўрсатилган;
- “Ўзбектелеком” АК молиявий-хўжалик ва инвестиция фаолияти натижаларини таҳлил қилинган;
- “Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш йўллари кўрсатилган;
- “Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишда хорижий тажрибадан фойдаланиш йўллари аниқланган.

### **Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:**

- инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва унинг моҳияти;
- инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари;
- инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг иқтисодий механизмлари;
- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инвестиция фаолиятини ташкил этилганлик ҳолати;
- “Ўзбектелеком” АК молиявий-хўжалик ва инвестиция фаолияти таҳлили;
- инвестиция фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмларини самарали қўллаш усуллари;
- “Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишда хорижий тажрибадан фойдаланиш;
- “Ўзбектелеком” АКда инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш йўллари.

- **Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили).** Мавзунинг назарий ва методологик асоси бўлиб, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўйича етакчи мутахассисларнинг меҳнатлари, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг

асарлари ҳисобланади. Бу борада хориж олимларидан Ф. Хениус, И.Ансоф, В.Беренс, Г.Бирман, М.А.Горелик, Е.А.Голубицкая, М.Питер, Л.Д.Рейман, Дж.Сакс, Г.А.Титоренко, Э.Хельферт, Т.С.Колмыкова каби олимлар ва мутахассислар изланишлар олиб боришган. Инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишнинг назарий ва амалий муаммоларини Ўзбекистон олимларидан Я.К.Карриева, И.У.Нематов, Ҳ.Ҳ.Имомов, Ш.Р.Орифханов, Б.Б.Абдуллаев, Н.Ғ.Каримов, Р.Х. Хожиматов, Ш.Файзиев, Р.Дўсмуратов, А.Авлоқулов, А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажигакиев, Н.Г.Муминов ва маҳаллий олимлардан Иминов Т.К, Иминов О.К, Арипов А.Н, Мухитдинов Х.А ва бошқаларнинг асарларида тадқиқ этилган.

- **Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.** Тадқиқотни олиб бориш жараёнида монографик, таққослашга асосланган, график, таҳлилий, иқтисодий-математик ва тизимли таҳлил услубларидан ўринли фойдаланилди.

- Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Қонунларидан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Республика Президентининг асарларидан, мавзуга алоқадор хорижий ва маҳаллий олимларнинг китобларидан, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда “Ўзбектелеком” АК ҳисобот материалларидан фойдаланилди.

- **Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида келтирилган таклифлар ва мулоҳазалар ахборот коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритаётган алоқа корхоналарида, шунингдек, “Ўзбектелеком” АК ва унинг филиалларида инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

- **Иш тузилмасининг тавсифи.** Магистрлик диссертацияси кириш қисми, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Умумий ҳажми 100 бетдан иборат.

# **1 БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва унинг моҳияти**

Хозирги кунда иқтисодиётимизда корхона, ташкилот ва муассасаларда мавжуд маблағлардан самарали фойдаланиш, корхона ихтиёридаги активларнинг самарадорлигини максимал даражада кўтариш асосий вазифа бўлиб ҳисобланади. Чунки маблағлардан самарали фойдаланиш корхона активлари унумдорлигини оширишда ва бу орқали максимал даражада фойда олишда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни изчил ривожлантириш инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда инвестицияларни бозор иқтисодиётига мослаштириш ва инвестицион фаолиятни бошқариш ўзгача ёндошишларни талаб этмоқда. Чунки хўжалик юритишнинг замонавий йўлини танлаш инвестицион сиёсатни ҳам тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Инвестицион сиёсатни амалга оширишда бозор муносабатларига мос дастаклардан фойдаланиш, яъни инвестицион жараён қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш; мамлакатда инвесторлар учун тўлақонли рақобатни таъминлаш; молиявий, моддий ва ақлий бойликларни бошқаришда батамом эркин ҳаракат қилиш ва шунга тенглаштирилган тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Охирги йиллар давомида бозор ислохотларининг изчил олиб борилиши натижасида “инвестициялар” атамаси кенг қўлланиладиган тушунчалардан бири бўлиб қолди. Ҳар тарафлама асосланган, пухта ўйланган инвестиция қарорларини инвестицияларни молиялаштиришнинг ишончли манбалари билан чамбарчас боғлиқликда қабул қилиш зарурлигини ва чет эл капиталини жалб қилишнинг кенгайиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги замон молия назарияси нуқтаи назаридан инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини

очиб бериш, уларнинг энг муҳим сифат тавсифларини аниқлаш ғоят долзарб масала ҳисобланади.

“Айрим иқтисодчилар шу нуқтаи назардан инвестицияларни капитални ўстириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янгилаш ва техника билан қайта қуроллантиришга йўналтириладиган жами моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан фойдаланиш жараёни тарзида изоҳлайдилар”<sup>2</sup>.

Инвестицияларни киритишнинг асосий мақсади фақат капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаб қолишдангина иборат бўлмай, қўйилмаларнинг хавфсизлиги, сердаромадлиги ва уларни кўпайтиришни (капиталлаштиришни) ҳам қамраб олади.

Демак, инвестицияларнинг асосий мақсади пул оқимларининг замонавий қийматини сақлаб қолиш ҳамда улар натижаларидан кутиладиган бўлажак қийматларни капиталлаштиришдир.

Шунингдек, инвестициялар кредитлардан ҳам фарқ қилади. Кредитлашда келишув ташаббускори, одатда, қарздор ҳисобланади, инвестициялашда эса ташаббус инвестордан чиқади. Кредитга фоиз кўринишидаги тўлов хос бўлса, инвестицияларни дивиденд, фойда, фоиз, даромад, моддий неъмат, ижтимоий, экологик ва бошқа самаралар кўринишидаги натижалар кутади. Мазкур белгилар бўйича инвестиция ва кредит бир-биридан фарқланади.

Инвестициялар мазмуни уларнинг намоён бўлиш шакллари орқали, мақсади эса уларнинг асосий функцияси – жамғариш билан аниқланади.

Ҳар бир инвестиция турининг ўзига хос ўрни бўлади. Молиявий инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлар, депозит сертификатлар, акциялар, облигациялар, вексельлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда тенглаштирилган бойликлар киради.

---

<sup>2</sup>Павлова Л.И. Финансовый менеджмент. Управление денежным оборотом предприятия: Учебник для 134306, М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1995, 194 стр.



1.1-расм. Инвестицияларнинг таснифланиши<sup>3</sup>

<sup>3</sup>Назарий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши инвестицияларни узлуксиз амалга оширишни талаб қилади. Республикамиз мустақилликка эришгач бозор муносабатларини шакллантираётган экан, иқтисодий жадал ривожлантириш энг асосий омиллардан бири бўлган инвестиция сиёсатига боғлиқдир. Инвестиция сиёсатининг самарадорлигини таъминлаш иқтисодийнинг устувор йўналишлари ва ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган мукамал инвестиция дастурини ишлаб чиқишни талаб этади.

Инвестиция киритишда, аввало:

- инвестиция фаолияти субъектларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлиги;

- киритилаётган моддий неъматларга инвестиция мақомини бериш (фуқаро ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун олган буюмлари инвестиция бўла олмайди);

- қонун билан белгиланган инвестиция фаолиятини амалга ошириш имконияти яратилиши зарур бўлиб ҳисобланади.

Инвестициялар иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар ҳисобланса, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи инвестиция фаолияти деб юритилади. Инвестиция фаолияти тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг бир кўринишидир, шунинг учун ҳам тадбиркорликка хос бўлган белгилар, яъни мулкый мустақиллик, ташаббускорлик ва таваккалчилик унга ҳам хос бўлган хусусиятдир.

Инвестиция фаолиятининг объекти моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқариш объектлари ҳисобланади. Инвестиция фаолиятининг субъектларидан бири инвестор бўлиб, у ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулкый бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига жалб этишни амалга оширади. Бундай ўзига хос

фаолият субъектларининг яна бир катта гуруҳи мавжуд бўлиб, улар инвестиция фаолияти иштирокчилари деб юритилади ва уларнинг асосий вазифаси инвесторнинг буюртмаларини бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятини таъминлаш бўлиб ҳисобланади.



### 1.2-расм. Инвестиция фаолиятининг иштирокчилари<sup>4</sup>

Инвестор ва инвестиция фаолиятининг иштирокчилари яъни субъектлари 1.2-расмда келтирилган.

Умуман олганда, инвестиция фаолиятини амалга оширувчилар (инвесторлар) қуйидаги белгилари бўйича таснифланади:

- жорий фаолиятнинг йўналишлари бўйича институционал ва индивидуал инвесторлар. Институционал инвесторлар ролида саноат, савдо, транспорт, алоқа ва бошқа соҳалардаги акциядорлик жамиятлар

<sup>4</sup>Назарий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

намоён бўлсалар, индивидуал инвесторлар ролида фуқаролар намоён булади.

- инвестициялаш мақсадлари бўйича стратегик ва бевосита инвесторлар.

Инвесторлар буюртмачи (маблағ киритувчи), кредитор, сотиб олувчи бўлишлари, шунингдек инвестиция фаолияти иштирокчиси вазифасини бажарувчи ҳам бўлишлари мумкин. Улар ўз олдига компанияларни бошқариш ҳуқуқини олишни мақсад қилиб қўядилар. Буни улар бошқа компаниялар акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш ёки уларнинг устав капиталини катта қисмини эгаллаш орқали амалга оширадилар.

Инвестиция фаолиятини ташкил этишда унинг объект ва субъектлари иштирок этади.

Инвестиция субъектлари - юқорида қайд этилган 4 йўналишда инвестиция фаолиятида иштирок этувчи мулкӣ ва интеллектуал бойликларга эга булган жисмоний, юридик шахслар ва давлатлардир. Инвестиция фаолиятини юритишда унинг субъектлари бўлиб бир томондан мулкӣ ва интеллектуал бойликларга эга бўлган мулкдорлар (инвесторлар), иккинчидан - инвестицияларни қабул қилувчи жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат ҳисобланади. Инвестиция субъектлари орасидаги муносабатлар ишлаб чиқариш характериға эгадир.

Инвесторларнинг асосий мақсади инвестиция фаолиятидан юқори даражада даромад, самара олиш ва ўз фаолиятини, бозор инфратузилмасини ривожлантиришға мослаган ҳолда кенгайтириш ва инвестиция соҳаларини ҳамда субъектларни ўзгартириб боришдир. Бу борада улар баҳоларни ўзгартиришиға қараб талаб ва таклиф қонуни асосида иш олиб борадилар.

Инвестицияларни қабул қилувчи субъектларни эса асосий мақсади инвесторлар билан бўладиган муносабатларидан самарали равишда фойдаланиш, ўзлари танлаган соҳаларида, қўйилган мақсадларға қисқа вақт ичида эришиш ва ўз навбатда ишлаб чиқаришни ривожлантиришдир.

Инвестиция фаолияти инвестор томонидан танлаган соҳалар инвестициялар сарфланиши лозим бўлган мақсадлар билан, яъни инвестиция объектлари билан боғлиқдир. Инвестицияларни йўналтириш соҳаларига, ишлаб чиқаришдаги иштирокига ҳамда сарфланиш ишларига биноан инвестиция фаолиятининг қуйидаги объектларини фарқлаш мумкин:

- халқ ҳўжалигининг барча соҳалари ва тармоқларидаги янгидан яратилган ва модернизациялашган (янгиланган) асосий фондлар ва ахборот (айланма) маблағлари:

- илм-техника маҳсулотлари, изланишлари, таълимот, кадрларни етиштириш ва қайта тайёрлаш;

- интеллектуал ғоявий бойликлар ҳамда авторлик, ихтиро кашфиёт ҳуқуқлари, тажрибалари;

- қимматбаҳо қоғозлар, мақсадли пул жамғармалари;

- бошқа мулкчилик субъектлари;

- мулкӣ ҳуқуқлар.

Инвестицияларни жалб қилиш ва сарфлаш соҳаларига асосланиб, инвестиция фаолияти субъектларини классификациясини тузиш мумкин.

Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш инвестицияларнинг турлари ва инвестиция бозорининг активлик даражаси унинг элементлари ўртасидаги нисбатига боғлиқ бўлади. Уларни бозор конъюктурасини ўрганиш орқали аниқланади.

Маълумки, иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларни амалга оширилишини таъминлаш инвестиция фаолияти юритилишининг зарурий инвестицион муҳитини яратишни ва уни тобора қулайлаштириб боришни талаб этади. Инвестиция фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун юритилаётган инвестиция сиёсатининг устиворлигини таъминлашда белгиланган инвестиция сиёсати тамойилларини тўлақонли бажарилишига эришиш зарур. Бу эса инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини таъминлашнинг барча

жиҳатлари самарасининг юзага чиқишига кўмаклашади. Ўзбекистон Республикасида инвестиция сиёсатининг асосий тамойиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қуроллантириш ва модернизациялаш, янги иш ўринлари асосида иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш;

- Вазирликлар, концернлар, корпорациялар ва иқтисодиётнинг бошқа бўлимлари иштирокида ва адрес дастурларига қатъий риоя қилган ҳолда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмалар ҳажмини аниқлаш;

- иқтисодий самарадорликни таъминлаш мақсадида экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи лойиҳалар нуқтаи назаридан устивор инвестиция таклифлари рўйхатини ишлаб чиқиш ва чуқур экспертизадан ўтказишларини таъминлаш;

- иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантиришда инвестицияларни амалга ошириш тендерлар асосида ўтказилиши лозим.

Ҳозирги пайтда инвестицияларнинг ташкил этиш ва молиялаштириш инвестиция сиёсатининг қуйидаги йўналишларига асосан амалга оширилмоқда:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш, товарларни экспорт қилишда ҳориж инвестициялари учун ўз даромадларидан фойдаланишларида бирмунча имтиёзлар тартибини жорий этиш;

- ҳорижий инвестициялари асосан капитал манбаларини республика иқтисодиётига жалб этиш учун ҳуқуқий ижтимоий иқтисодий ва айниқса шарт шароитларини янада такомиллаштириш;

- Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги техникалар олиб келадиган иқтисодиёт структураси вужудга келтиришда ёрдам берадиган ҳориж инвестицияларига нисбатан очиқ эшиклар сиёсати ўтказиш.

Умуман олганда, инвестиция фаолиятини ташкил этиш жараёнида мамлакатимизнинг инвестиция дастури, олиб борилаётган инвестицион сиёсат ва инвестиция жараёнини амалга ошириш учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар асосий ўринни эгаллайди.

Инвестициялашнинг устивор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларнинг барча шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодийнинг келажагини белгилайди. Мамлакатимиз инвестиция фаолиятида, айниқса, хорижий инвестициялар иштироки кучайиб бормоқда.

Инвестиция фаолиятидаги бурилишлар, таъкидланган вазифаларни ечиш; инвестициялашнинг давлат механизмини эркинлаштириб бориш ва бозор механизмларида қўлланиладиган соҳаларни кенгайтириш; инвестициялашни ўз жамғармалари ҳисобидан таъминлашнинг самарали иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш; лойиҳавий, корпоратив молиялаштириш, лизинг каби янги усуллардан фойдаланиш соҳаларини кенгайтириш талаб қилинади.

Инвестициянинг иқтисодий моҳияти –бу асосий ва айланма капитални корхонани ташкил этиш, реконструкция ёки техник қайта куроллантиришга сарфлаш; молиявий инвестиция бўйича эса инвесторни молиявий капиталини ошириш мақсадида унинг молиявий инструментларидан фойдаланиб, маблағларни акция, облигация, банк депозитларига ва бошқа қимматли қоғозларга қўйишдир.

Инвестиция тушунчасига изох бераётганда корхона қийматига эътибор бермай тушунчага тўлиқ мазмун бериб бўлмайди. Асосан корхона қийматини оширувчи менеджерлар ҳисобланиб, бу ходим томонидан доимий корхонанинг келгусидаги стратегияси ишлаб чиқилади ва бошқариб борилади. Корхона қиймати ўзида мужассам этувчи маълум тизимни белгилаб, бу икки қисмдан иборат:

- корхонани шахсий капиталини бозор қиймати;
- корхона мажбуриятларини бозор қиймати.

Корхонанинг қиймати дейилганда асосан унинг капитали юқори бўлишини эмас, балки, хизматлар ва товарлар бозорини таъминлашдаги корхонанинг мазкур капиталини ҳолати билан изоҳланади. Бу ҳолат корхона инвестициясини йўналишларини аниқлайди: агар унинг капиталини даромадлиги ўсишини таъминловчи ва корхонани ракобатбардошлигини улар оширсан, у ҳолда корхонани қиймати ортади ва унинг эгалари бойиб боради.

Самара ёки даромад келтирадиган мулкӣ ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин,

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар;
- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, ҳамда бошқа моддий бойликлар);
- муаллифлик ҳуқуқи, ноу-хаулардан ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари ва бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;
- бошқа бойликлар.

Инвестицияларнинг қайд этилган турлари ва шакллари асосида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларни барча инвесторлар томонидан амалий равишда йўлга қўйиш, маблағлар сарфлаш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш чора-тадбирларининг йиғиндиси инвестиция фаолиятини англатади.

Инвестиция фаолияти қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- фуқаролар, давлатга қаршли бўлмаган корхоналар, хўжалик ассоциациялари, жамоа хўжаликлари ҳамда жамоа мулкчилиги асосида ташкил этилган ташкилотлар, нодавлат корхоналари ва муассасалари томонидан;

- давлатни маъмурий ва бошқарув бўлинмалари, ташкилотлари ҳамда давлат корхоналари ва муассасалари томонидан;

- чет эл фуқаролари, хусусий фирмалар, ассоциациялар, компаниялар ва ҳуқуқий шахслари ҳамда бошқа хорижий давлатлар ва ҳалқаро молия – кредит муассасалари томонидан;

- қўшма корхона кўринишида маҳаллий ва чет эл фуқаролари, ҳуқуқий шахслар ва давлатлар билан ҳамкорликда.

Қуйидаги 1.3-расмда инвестициянинг турларидан келиб чиққан ҳолда инвестиция фаолиятининг тузилиши ва унинг вазифалари алоҳида келтириб ўтилган.



**1.3-расм. Инвестиция фаолиятининг тузилиши<sup>5</sup>**

<sup>5</sup>Инвестициялар аудити ва баҳолаш. Ўқув қўлланма/ Ш.Файзиев, Р.Дўсмуратов, А.Авлокулов -Т.: ТМИ, 2006. 112 бет.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизини такомиллаштириш;
- солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш;
- асосий фондларни жадал амортизация қилиш;
- нормалар, қоидалар ва стандартларни белгилаш;
- монополияга қарши чораларни қўллаш;
- кредит сиёсати ва нарх белгилаш сиёсатини ўтказиш;
- ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш;
- инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш;

Инвестицион фаолият натижасида юзага келувчи жараёнлар иқтисодий ўсишнинг умумий нуктаи назаридан, жумладан, кўп ҳолларда ишлаб чиқариш ва инфляцияни динамикаси, ЯИМ ни ўсиши, молия-кредит тизимини ҳолати ва талабни барқарорлик даражасидан келиб чиқади. Инвестицион фаолиятдаги салбий ҳолатлар иқтисодий реал секторини технологик ривожлантириш ва инновацион даражасини ҳамда асосий фондларни ишлаб чиқаришни сифатли тавсифига бевосита таъсир этади. Бундай ҳолдан чиқиш учун хўжалик субъектларини инновацион шаклда шакллантириш ва иқтисодий жараённи инвестицион шаклини ташкил этиш, молиявий маблағларни янги манбаларини ташкил этиш ҳисобига инвестицияни барқарор ўсишини таъминлаш мумкин.

Инвестиция фаолиятига таъсир этувчи турли омиллар мавжуд ва шу нуктаи назардан ҳам хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини жонлантириш ва бевосита хорижий инвестициялар оқимини кучайтириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши керак:

1. Мамлакат инвестиция иқлимини яхшилаш ва ечимини топиш мақсадида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар

мутахассислари, мутахассис вакиллари, инвестиция имкониятига эга бўлган йирик компания ва корхоналар раҳбарлари ҳамда республиканинг инвестициялар соҳасидаги етук олимлари иштирокида, кенг жамоатчилик ўртасида очик мулоқот ташкил қилиниб, мавжуд муаммолар ошкоралик билан ҳар томонлама муҳокама этилиши лозим. Шу асосда масалага кенг жамоатчилик фикрини жалб қилган ҳолда, мутахассислар, олимлар ва амалиётчилар ўртасида илмий ва иқтисодий асосланган ягона инвестиция сиёсатини, шунингдек, қабул қилинган қонун ва қарорларни амалда ишлаш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётийлигини таъминлаш лозим.

2. Инвестициялар оқимига таъсир қилувчи омиллардан бири сифатида маркетинг тадқиқотини олиб борилишининг анча суғай эканлиги кўрсатилмоқда. Бу муаммони фақат инвестицияларнинг ўзига боғлиқ қаратилиб, ечим изламасдан, аҳоли ва корхоналарнинг истеъмол қобилиятини кўтариш, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларга нисбатан талаб даражасини ошириш нуқтаи назаридан қаралиши мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий индикаторлар ҳақида ҳолис ва ишончли ахборот таъминоти ҳалигача яхши йўлга қўйилмаганлиги. Бу масалани ҳал қилиш учун муқобил ва мустақил нодавлат ахборот марказларини иш жараёни ташкил қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиш, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилади.

## 1.2. Инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини ривожлантиришни кўзда тутган ўнлаб қонунлар қабул қилинган, булар жумласига инвестиция фаолиятини ташкил этишни ҳамда йўлга қўйишни

белгилловчи бир катор қонунлар киради. Шулардан энг муҳимлари давлат мулкини хусусийлаштириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва бошқа қонунлардир.

Мамлакатда инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг зарурий асоси бўлиб, давлат қонунчилиги ҳамда ҳуқуқий асосни шакллантириш ҳисобланади. Буни биз қуйидаги 1.4-рasm орқали кўришимиз мумкин:



**1.4-рasm. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари<sup>6</sup>**

<sup>6</sup>Назарий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш асосида бугунги кунда инвестиция фаолиятини юритиш ҳамда бозор муносабатларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Мулкчиликни турли шакллари ривожланиши тадбиркорлик ва ишбилармонликни йўлга қўйилиши ташқи иқтисодий алоқаларни кучайтирилиши, қўшма корхоналарни иқтисодиётни тўла ташкил этиш учун зарур бўлган имкониятларни яратмоқда.

Демак мулкчиликни турли формаларини шаклланиши, ўз навбатида тадбиркорликни ривожлантириши, чет эл капиталининг кириб келиши инвестиция фаолиятини ташкил этиш шакллари хам аниқлаб беради.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция хусусида қонуний ҳужжатлар 1991 йилдан бошлаб қабул қилинган бўлиб, улар ўтган вақт ичида анча такомиллаштирилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”, “Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида”, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Қонунчиликни ривожланиши, адолатли қонунлар қабул қилиниши ва уларни ҳаётга татбиқ этилиши бозор муносабатларининг ривожлантиришга, тадбиркорлик, ишбилармонликни кенг кўламда тарқалишига қаратилса инвестиция манбалари таркибида давлат маблағлари камайиши ҳисобига бошқа мулкдорлар маблағлари ўсиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолиятига оид қонуний ҳужжатлари<sup>7</sup>

№	Қабул қилинган йили	Номи	Мақсади
1.	Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1996й. 263-1-сон Қонуни	“Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида”	Лойиҳаларни хориж инвесторларининг маблағлари ҳисобига амалга ошириш
2.	Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998й. 609-1-сон Қонуни	“Чет эл инвестициялари тўғрисида”	Чет эл инвестициялари бўйича турли масалаларни ҳал этиш
3.	Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998й. 611-1-сон Қонуни	“Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”	Ҳорижий ҳамкорлар ва инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари, уларни қонун доирасида ҳимоя қилиш
4.	Ўзбекистон Республикасининг 24.12.1998й. 719-1-сон Қонуни	“Инвестиция фаолияти тўғрисида”	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларини белгилаш
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.04.2005й. ПФ-3594-сон Фармони	“Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”	Мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш

<sup>7</sup>Lex.uz интернет сайти маълумотларидан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

6.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.05.2006й. 74-сон Қарори	“Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чор-тадбирлар тўғрисида”	Корхоналар фаолиятида хориж инвестициялари ўрнини такомиллаштириш ва уларнинг имтиёзларини белгилаш масалалари
7.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.08.2014 йил 215-сон Қарори	“Истиқболли инвестиция таклифларини келишиш механизмини ҳамда хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”	Хориж инвестицияларини жалб этиш жараёнига кредит тизимининг ўрни ва аҳамияти
8.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.01.2016 йил 15-сон Қарори	“Марказлаштирилган инвестициялар хисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ишларини ва экспертизадан ўтказишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”	Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари бўйича масалалар
9.	Ўзбекистон Республикасининг 25.08.2015 йил ЎРҚ-392-сон Қонуни	“Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”	Инвестиция ва пай фондлари тўғрисидаги хужжатларни ишлаб чиқиш ривожлантириш
10.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.2008 йил ПҚ-927-сон Қарори	Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	Инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнлари, уларни кредитлаш, молиялаштириш ва ўзлаштириш

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида” Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарорига асосан 1998 йил 24 декабрда амалга киритилди. Ушбу қонун 28 моддадан иборат. Жумладан, Қонуннинг 1 моддаси Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига аталган бўлиб, унда қуйидагилар келтирилган.

Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат. Чет эл инвестицияларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари чет эл инвестициялари тўғрисидаги, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Шунингдек, қонуннинг 21 моддаси Инвестиция фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари деб номланиб, унда турлича таърифлар келтирилган.

Давлат инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқлариникафолатлайди.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари инвестиция фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари инвестиция фаолияти субъектларининг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқласалар, улар ваколатлари бўлган ва муайян қоида бузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чораларни кўришлари мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан инвестиция фаолияти субъектларининг бошқа

конуний фаолиятига аралашини ёки фаолиятини чеклаб қўйиш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Ушбу модданинг қоидалари халқаро ҳуқуқининг умум эътироф этилган принципларига мувофиқ белгиланадиган, Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлашга бевосита боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларини қабул қилиш, уларга қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилишга нисбатан тадбиқ этилмайди.

Маълумки, чет эл инвесторлари мамлакатимиз ҳудудида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини, қоидага кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга оширадilar. Ўз эҳтиёжлари учун юртимиз ҳудудига замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, уларга бутловчи буюмлар, шунингдек, хомашё ва материаллар олиб кираётган хорижий инвесторлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида муайян имтиёзлар назарда тутилган.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида хорижий инвестициялар масаласига бевосита тааллуқли бўлган қонунлар муҳим ўрин тутди. Вақт ўтиши билан иқтисодий ўсишнинг жадал боришини таъминлаш, республика иқтисодиётига хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларини жалб қилиш ва умуман жаҳон андозаларига эришиш учун хорижий инвестициялар соҳасидаги мавжуд қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш зарурати объектив равишда пайдо бўлди. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш стратегияси бўлажак чет эллик инвесторларнинг манфаатларини ҳамда миллий иқтисодиётга зарар келтирмаган ҳолда уларни қондириш имкониятларини ўрганишга асосланади. Бунинг учун бир томондан, иқтисодиётни таркибан қайта қуришга қаратилган бир қатор аниқ, лойиҳаларни амалга ошириш зарур бўлади ва иккинчи томондан, ички инвестиция ресурслари чекланган бир шароитда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти жуда юқори баҳоланади. Инвестиция муҳитини янада яхшилаш шартларидан бири

банк тизимини такомиллаштириш, молия бозорида рақобатни вужудга келтириш, нақд пулдаги ва нақд бўлмаган пулдаги операцияларни амалга оширишни яхшилаш, шунингдек хорижий инвесторларни ахборот билан таъминлашни яхшилашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни бошланиш давридан чет эл инвестицияларини жалб қилишга тузилмавий қайта қуришнинг ҳамда умумжаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириб боришини тезлаштирувчи омил сифатида асосий устуворлик берилди. Ҳозирда, Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳуқуқий база яратилди, инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма барпо қилинди ва бу жараён такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси бир қанча ривожланган мамлакатлар билан қўшма корхоналар барпо этмоқда. Ҳамкорликда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва товарлар ички бозорни таъминламоқда ва экспорт қилинмоқда.

Кўплаб мамлакатлар хорижий қўйилмаларни жалб этиш мақсадида имтиёзли шароитларни яратади, хусусан капиталларни сақлаш ва зарарларни қоплашни кафолатлайди, имтиёзли солиқ олишни киритади ва фойдани ҳорижга эркин ўтказишга рухсат беради, олинган даромадлар ва бошқаларни қайта инвестициялашга шароитлар яратади.

Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий омиллари:

- “Очиқ эшиклар” сиёсати;
- қулай инвестиция муҳити;
- имтиёз ва афзалликлар тизими

Мамлакатимиз ҳам хорижий маблағларни жалб қилишдан манфаатдордир. Ҳозирги вақтда улар асосан халқаро ташкилотлар ва бошқа мамлакатлар ҳукуматлари кредити тарзида келмоқда. Шу билан бирга республика инвестицияларга эҳтиёж сезади, чунки кредитдан фарқли равишда инвестициялар қарздор қилиб қўймайди, балки ишлаб

чиқаришни кенгайтириш ва замонавийлаштиришга, илмий ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга бевосита ёрдам беради.

Мамлакатимиздаги бой табиий ресурслар, арзон ишчи кучи, нисбатан ривожланган инфратузилма ва ҳар томонлама барқарор вазият хорижий инвестициялар учун жозибали бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, чет эл қўйилмаларининг мамлакатга олиб келиниши ва ўзлаштирилишини таъминлаш учун зарур бўлган қонуний ва иқтисодий асослар яратилди. Шу билан бирга, тадбиркорлик капитали кириб келишига тўсқинлик қилувчи бир қатор объектив ҳолатлар мавжуд. Бу аввало иқтисодиётнинг хусусий бўғини ва умуман бозор муносабатларининг кам ривожланганлиги, миллий валюта-сўмнинг паст конверттацияланганлиги, халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича малакали ходимларнинг ва республика имкониятлари ҳамда унинг шериклари тўғрисидаги ахборотларнинг етишмаслигидир.

Инвесторларни энг биринчи навбатда қуйидаги омиллар қизиқтиради: мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий вазият, ҳуқуқий соҳа, географик ўрин, институционал ташкилий техник соҳа ва бошқалар.

Кўриниб турибдики, юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар инвесторларнинг ушбу мамлакатга бўлган қизиқишларини ёки орттиради, ёки пасайтиради. Хусусийлаштириш, валюта сиёсати дастурларининг амалга оширилишига қараб, чел эл инвестицияларининг импортига тўсқинлик қилувчи кўплаб сабаблар йўқотилмоқда ва республика иқтисодиёти таркибини қайта кўриш дастурини амалга оширишда ташқи алоқалар устунлигини тўлароқ қўллаши зарур бўлади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган.

Бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган.

### 1.3. Инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг иқтисодий механизмлари

Иқтисодий таркибнинг қайта қурилиши фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш билан чамбарчас боғлиқдир. Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислохотлар стратегиясининг муҳим шартидир. Иқтисодиёт тузилиши қурилишининг белгиланган

Йўналишлари экспорт имкониятининг кенгайтирилишига, бақувват инвестиция сиёсатини ўтказиш йўли билангина эришиш мумкин. Бунинг учун ўз сармояларимизни ҳам, ташқи кредитларни ҳам бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш инвесторлар томонидан ташкил этилган ҳар хил манбалар, шу жумладан молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан, кредитлар эвазига қонунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига амалга оширилади.

Умумий ҳисобга олганда, реал инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари қуйидаги шаклларга бўлинади:

- 1) инвесторнинг ўз молиявий ресурслари;
- 2) инвесторнинг қарзга олган маблағлари;
- 3) инвесторни жалб қилган молиявий ресурслари;
- 4) давлат бюджети маблағлари, (шу жумладан, маҳаллий бюджет маблағлари);
- 5) чет эл инвестицияларивакредитлари;
- 6) Ноанаъвий молиялаштириш (синдикатли кредитлаш, селенг, венчурли молиялаштириш ва бошқалар).

Капитал молиялаштириш манбаларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) марказлаштирилган қўйилмалар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат бюджети ва давлат бюджетидан ташқарифондлар маблағлари;

- ташқи қарзлар лимитларидан келиб чиқиб ҳукумат кафолати остидаги чет эл инвестициялари ва кредитлари.

б) марказлаштирилмаган капитал қўйилмалар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхоналар маблағлари, шу жумладан, қўшма корхоналар, хорижий корхоналар ва хусусий корхоналарнинг маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг норезидентларининг маблағлари;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари маблағлари, банкларнинг, шу жумладан, хорижий банкларнинг кредитлари;

- аҳоли маблағлари.

Реал инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш турли шакл ва усулларда олиб борилади. Ҳозирги вақтда инвестицияларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш, инвестиция фаолиятининг бош муаммоларидан бири ҳисобланади. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилмоқда.

1. Инвесторнинг ўз молиявий ресурслари ва ички хўжалик резервлари (фойда, амортизация ажратмалари, махсус захира фондлари).
2. Инвесторнинг қарз маблағлари (банк кредити, бюджет кредити, облигация бўйича қарзлар).
3. Жалб қилинган молиявий ресурслар (акцияларни сотиш, меҳнат жамоасининг пай ва бошқа кўринишдаги бадаллари, юридик ва жисмоний шахсларнинг пай ва бошқа бадаллари).
4. Бюджетдан инвестицион ассигнациялари (маҳаллий, давлат ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари).
5. Чет эл инвестициялари (чет эл кредитлари, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси, қўшма корхоналар кўринишида).
6. Лизинг ва селенг (инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг бир тури бўлиб, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, бино ва иншоотларни ижарига ёки интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тушинилади).

Ушбу молиялаштириш шакллари ва манбаларининг ҳар бири ўзининг ижтимоий сиёсий ва иқтисодий жиҳатларига эга, шу сабабли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш шакллари таҳлил қилиб энг қулай шакл ва усул танланади.

Мамлакатимизда инвестицион муҳитни такомиллаштириш, хорижий капитални жалб қилиш, қулай макроиқтисодий сиёсатни шакллантириш бўйича ишлар олиб бориш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун инфляция даражасини паст даражада ушлаб туриш, инфляциянинг инвестицион лойиҳаларни қийматини ўсишига таъсирини камайтириш, хорижий инвестициялар таркибида бевосита хорижий инвестициялар миқдорини кескин кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратиш керак. Инвестицияларни реал ишлаб чиқариш соҳасига, натижаси белгиланган муддат давомида юқори фойда келтиришни мақсад қилинган ва режалаштирилган тармоқларга жалб этиш лозим.

Юксак даражада ривожланган мамлакатлар иқтисодий тараққиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, инвестицион фаоллик билан иқтисодий ўсиш борасидаги алоқадорлик бир хилда эмас. Бунда улар бир-бирини тақозо этиши кузатилади. Иқтисодий ўсиш иқтисодий фаолликка боғлиқ бўлгани ҳолда, ўз навбатида иқтисодиёт тараққиётининг ҳар бир аниқ босқичида мамлакатнинг реал имкониятларини белгилаб беради. Бошқача қилиб айтганда, ЯИМ ўсиши суръатлари қанча юқори бўлса, инвестицион ресурсларни кенгроқ вужудга келтириш ва шу асосда самарали инвестиция сиёсатини юритиш учун имкониятлар шунча кўпроқ бўлади.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, иқтисодий фаолиятнинг аниқ соҳалардаги халқаро тажриба ўрганилаётганда кўриб чиқилаётган намуналар бизнинг мамлакатимизда юзага келган вазиятга мос эканлиги ниҳоятда муҳимдир. Инвестиция фаолиятини бюджет томонидан молиялашнинг мавжуд тизими давлат корхоналари ва ташкилотлари учун имтиёзли шарт-шароит яратади. Шунингдек, давлат бюджетидан маблағларни текинга беришдан воз кечилиши ҳамда тижорат банклари кредитларидан кенгроқ фойдаланилиши лозим. Банк кредити улуши оширилиши молиялаш натижалари учун жавобгарликни ошириш имконини беради, чунки кредит кенгайиши муносабати билан банк рисклари даражаси ошади. Бюджет маблағлари чекланган, улар асосан

жорий эҳтиёжларга йўналтирилаётган, республикамиздаги инвесторлар ўз сармояларини ишлаб чиқаришга йўналтиришдан манфаатдор бўлмаётган шароитда инвестиция сиёсати фаоллаштирилиши, давлатнинг қулай инвестиция муҳити барпо этиш ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини шакллантиришдаги ролини ошириш талаб қилинади.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш мазмунан мамлакатда қулай инвестицион муҳит яратиш, рақобатни рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кенг қўллаб-қувватлаш жараёнини амалга оширади. Қўйилган мақсадларга эришиш учун давлат таркибий ўзгартиришларнинг қулай барқарорлигини ҳамда улар иқтисодий механизмлар тизимида ўзаро мувофиқ бўлишини таъминлайдиган қулай шарт-шароит яратиши лозим.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш инвесторлар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан кредитлар эвазига, муомалага, қонунчиликда белгиланган ҳолда, қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига олиб борилади. Давлат мулкани хусусийлаштириш орқали мамлакат миқёсидаги манбалар ҳисобига, турли мулк эгаларининг маблағлари, янгидан ташкил этилаётган фондларни улуши, чет эл инвестициялари орқали олиб борилади. Албатта, бу борада ҳар бир мамлакатнинг инвестиция сиёсати ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Инвестиция манбаларини ташкил этишда мамлакат иқтисодиётини барқарорлиги, миллий валюта бирлигини конвертацияланиши, ташқи иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, аҳоли эҳтиёжини ишлаб чиқариш ҳисобига қондирилиши ва бошқалар муҳим рол ўйнайди.

Амалиётда тарқалган узоқ қурилиш, қурилиш объектларини ҳақиқий муддатларини қурилиш муаммоларига нисбатан бир неча марта чизилиб кетиши узоқ муддатли банк кредити молиявий манбаи сифатида ривожланишига яна бир тўсиқ бўлди. Бу эса инвестицияларни банк кредитлари эвазига молиялаштиришни кенгайтиришга қулай шароит

яратди. Эндиликда турли мулк асосларида ташкил этилган банклар инвестиция фаолиятини кредит билан таъминлаш механизмларни ишлаб чиқаришлари зарур.

## Жадвал-1.2

### Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбалари ва иштирокчилари таснифи<sup>8</sup>

Гуруҳлар	Кичик гуруҳлар	Инвестиция фаолияти иштирокчилари ташкилий шакллари
Бюджет ва нобюджет фондлар	Давлат бюджети	Ҳукумат Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги
	Маҳаллий бюджетлар	Маҳаллий ваколатли органлар
	Нобюджет фондлар	Пенсия фонди Бандлик фонди Инвестиция фонди ва бошқа фондлар
Кредит тизими	Банклар Кредит муассасалари	Марказий банк Давлат ғазначилиги Инвестицион банклар Кредит уюшмалари
Суғурта тизими	Суғурта фондлари ва ташкилотлари	Давлат суғурта компаниялари Нодавлат суғурта компаниялари
Молиялаштиришнинг жамоавий шакллари	Инвестицион ташкилотлар Инвестицион банклар Суғурта ташкилотлари	Инвестиция компаниялари ва фондлари Нодавлат пенсия фонди Суғурта компаниялари Пайли инвестицион фондлар
Хорижий инвесторлар	Чет эл давлатлари, ҳукуматлари, халқаро молиявий институтлар, тижорат банклари, институционал инвесторлар, инвестицион банклар	Жаҳон банки Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молиявий корпорация
Корхоналар, жисмоний шахслар		Мулкчиликнинг турли шаклларидаги ҳар қандай корхоналар

Корхоналарнинг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларида инвестицияларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб, бундай манбалар корхоналарнинг ўз-ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланади. Инвестиция фаолиятини

<sup>8</sup>Назарий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

молиялаштириш манбалари ва иштирокчилари жадвал-1.2 маълумотларида келтирилган.

Узоқ муддатли кредит эвазига инвестицияларни молиялаштириш механизми бозор муносабатларига мослаб ишлаб чиқариш ва ҳаётга тадбиқ этиш банклар соҳасидаги иқтисодчиларни ва илмий изланувчиларни асосий муаммоларидан биридир.

Бюджет камомадларини нисбатан ўсиши, ишлаб чиқаришни камайтириши, иқтисодий муносабатларнинг издан чиқиши ва инфляция таъсирида баҳоларни ўсиб бориши инвестиция фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Инвестиция фаолияти иштирокчиларининг ташкилий шакллари инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбаларининг гуруҳлари асосида ажратилган бўлиб, ундан ташқари кичик гуруҳлардан ҳам иборат эканлиги келтирилган.

“Тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкый комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин.

Ер участкалари ва бошқа табиат объектлари, шунингдек эркин муомалада бўлиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган ёки муомалада бўлишининг алоҳида тартиби белгиланган мол-мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин эмас<sup>9</sup>.”

Банк кредитини беришда ҳам, лизинг кредитини беришда ҳам у ёки бу лойиҳани инвестициялаш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида пухта ишланган қарор қабул қилинади. Банк кредитини олишда ҳам, лизинг кредитини олишда ҳам қарз олувчи ўз зиммасига қарзнинг асосий суммасини ва фоизларни ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

Лизингнинг банк кредитидан фарқи:

- мулкчилик ҳуқуқининг эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқидан

---

<sup>9</sup> “Лизинг тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси


ажратилиши банк кредитининг лизинг кредитидан энг асосий фарқидир;

- узок муддатли банк кредити берилганида кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш солиқ тўланганидан кейин фойда ҳисобидан амалга оширилса, лизинг берилганида бу тўловлар бошқа тўлов билан бирга маҳсулот таннархига киритилади, бу эса фойда солиғи бўйича тегишли солиққа тортиш базасини камайтиради;

- агар банк кредити молиялаштиришнинг қўшимча манбаи тарзида намаён бўлса, лизинг кредити қоида тариқасида битимни 100% молиялаштиришни таъминлайди;

- кредит таъминоти бўлиб, банк кредитида мол-мулкни гаровга қўйиш, банк кафолати, ипотека, кафиллик, суғурта ва бошқалар бўлса, лизинг кредитида асосан лизинг объектининг ўзи бўлади.

Лизингнинг асосий шакллари ички ва халқаро лизингдир. Ички лизингни амалга оширишда лизинг олувчи, лизинг берувчи ва сотувчи вакил ҳисобланса, халқаро лизингда эса лизинг берувчи ва лизинг олувчи вакил бўлиб ҳисобланади. Лизингнинг асосий турларига молиявий ва оператив лизингни киритишимиз мумкин. Молиявий лизинг - лизинг берувчи лизинг олувчи томонидан белгиланган мулкни сотувчидан сотиб олиш ва лизинг олувчига белгиланган тўлов ва лизинг предмети тўлиқ амортизация муддатига тенг бўлган муддатга маълум бир шартлар асосида вақтинчалик фойдаланишга беришдир. Лизинг тўловлари ўз таркибига шартномада таъкидланган мулкнинг тўла ёки қисман ҳолдаги қийматини ҳамда, кўрсатилган лизинг хизмати ва қўшимча сервис хизматлари тўловини олади. Натижада, лизинг берувчида тижорат нуқтаи-назаридан лизинг битими қуйидагича кўринишда бўлади:



1.5– расм. Молиявий лизинг схемаси<sup>10</sup>

Оператив лизинг- лизинг берувчи мулкни сотиб олиб, уни лизинг предмети сифатида белгиланган тўлов ҳисобига, шартномада белгиланган маълум бир муддатда тегишли шартлар асосида вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишни лизингга олувчига беради. Оператив лизингда лизинг предмети уни тўлиқ амортизация муддати ўтиб бўлгунга қадар бир неча мартаба лизингга берилиши мумкин.

2002 йил 13 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига биноан “Лизинг тўғрисида”ги Қонунда лизингнинг фақат молиявий тури қолдирилган.

Айрим иқтисодчилар<sup>11</sup> лизинг олувчи ва лизинг берувчи томонларнинг ўзаро муносабатларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, лизингнинг икки турини ажратадилар. Биринчиси, тўғри, яъни бевосита ва иккинчиси - билвосита (эгри) лизинг.

<sup>10</sup>Н.Ф. Каримов ва Р.Х. Хожиматов.: Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2011. -801 б.

<sup>23</sup>Цай Т.Н., Грабовый П.Г., Марашда Бассали Сайл. Конкуренция и управление рисками на предприятиях в условиях рынка. М.«Алаис».

## 1 боб бўйича хулоса

Ушбу бобда инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва унинг иқтисодий механизмлари назарий жиҳатдан ёритилган бўлиб, унда инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг аҳамияти ва инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари кўриб чиқилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш жисмоний ва юридик шахсларни ва давлатларни фойда (даромад) самаралари олиш мақсадида тадбиркорлик ишбилармонлик ва бошқа фаолиятлар қайтадан тиклашга қаратилган. Бу борада асосий мақсад эса, юқорида қайд этилган йўналишларда, инвестиция фаолиятини ташкил этиб иқтисодиётимиз инкироздан олиб чиқиш, уни барқарорлаштириш, дунё бозорига кириб бориш дунё хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш ва аҳолини турмуш даражасини кўтаришдир.

Инвестициялар замонавий техника ва технологиялар билан курулланиш, илмий-техник, ишлаб чиқариш ва ақлий имкониятларини тиклашнинг асосий воситасидир. Айнан инвестициялар орқали миллий иқтисодиёт жонланиб, ишлаб чиқариш замонавий, рақобатдош товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб боради. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларининг ташкил этилиши ва мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал бўлишига олиб келади.

Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади. Корхоналарнинг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларида инвестицияларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб, бундай манбалар корхоналарнинг ўз-ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланади.

## 2. БОБ. СОҲАДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ

### 2.1. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инвестиция фаолиятини ташкил этилганлик ҳолати

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини жорий этиш ва инвестицион муҳитни янада яхшилаш иқтисодий ривожланиш соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмини барпо этиш, мана шу асосда мамлакатдаги инвестиция муҳитини янада яхшилашда МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ҳисобланади.

Бугунги кунда салоҳиятли хорижий инвесторлар инвестиция киритишнинг қуйидаги турли шаклларини таклиф қилмоқдалар:

- ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этиш;
- 100 % хорижий капитал асосида корхона ташкил этиш;
- хусусийлаштирилаётган корхоналар акция пакетларини бир қисми ёки ярмини сотиб олиш.

Хорижий инвестиция асосида ташкил этиладиган корхоналарга қуйидаги шартлар қўйилади:

- устав фондида энг камида 150 минг АҚШ долларига тенг маблағнинг бўлиши;
- корхона ташкилотчиларидан бири хорижий юридик шахс бўлиши лозим;
- корхона устав фондидаги маблағнинг энг камида 30 % и хорижий инвестиция улуши бўлиши лозим.

**Жадвал-2.1**

**Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар  
(2011-2015 йиллар учун)<sup>12</sup>**

	Йиллар Кўрсаткичлар номи	2011	Ўсиш суръати	2012	Ўсиш суръати	2013	Ўсиш суръати	2014	Ўсиш суръати	2015	Ўсиш суръати	Жами
		(млрд. сўм)	%	(млрд. сўм)	%	(млрд. сўм)	%	(млрд. сўм)	%	(млрд. сўм)	%	
1.	Умумий хизматлар	1874,0	14,8	2363,7	19,9	3081,1	22,5	3700	22,4	4 180,0	24,1	15198, 8
2.	Аҳолига кўрсатилган алоқа хизматлари	1250,2	12,3	1555,7	20,8	2064,3	24,5	2400	21	2 673,0	25,4	9943,2
3.	Компьютер дастурлаштириш хизматлари	—		—		—		—		189,2	21,6	189,2
<b>Жами</b>		<b>1874,0</b>	<b>123</b>	<b>2363,7</b>	<b>155</b>	<b>3081,1</b>	<b>202</b>	<b>3700</b>	<b>243</b>	<b>4 180,0</b>	<b>275</b>	<b>15198, 8</b>

<sup>12</sup>12 Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва Коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлигининг ҳисобот материалларига асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Юқоридаги жадвал-2.1да 2011-2015 йиллар давомида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар миқдори келтирилган ва бу кўрсаткич жами 15198,8млрд.сўмлик умумий хизматларни ташкил этади. Бундан:

- 2011 йилда 1874,0 млрд.сўмлик хизматлар (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати – 14,8%), шу жумладан аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 1250,2 млрд. сўм (ўсиш суръати 12,3%).

- 2012 йилда 2363,7 млрд.сўмлик хизматлар (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати –19,9%), шу жумладан аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 1555,7 млрд. сўм (ўсиш суръати 20,8%).

- 2013 йилда 3081,1 млрд.сўмлик хизматлар (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати - 22,5%), жумладан аҳолига алоқа 2064,3 млрд. сўмлик (ўсиш суръати 24,5%).

- 2014 йилда 3700 млрд.сўмлик хизматлар (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати – 22,4%), жумладан аҳолига 2400 млрд. сўмлик алоқа хизматлари кўрсатилди, (ўсиш суръати 21%).

- 2015 йилда 4 180,0 млрд.сўмлик хизматлар (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 24,1%), жумладан аҳолига алоқа хизматларини кўрсатиш 2 673,0 млрд. сўмни ташкил этди, (ўсиш суръати 25,4%).

Беш йил мобайнидаги аҳолига кўрсатилган жами алоқа хизматлари 9943,2 млрд. сўм деб ҳисобланди. 2011-2015 йилларда бир-бирига нисбатан ўсиш суръати эса 25,4% эканлиги аниқланди.

Эътибор қаратадиган бўлсак компьютер дастурлаштириш хизматлари фақат сўнгги бир йил ичида кўрсатилган бўлиб 189,2 млрд.сўмни, ўсиш суръати эса 21,6%ни ташкил этган.


Қуйидаги жадвал-2.2да эса ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида 2012-2014 йилларда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари бўйича таҳлилий маълумотлар келтирилган.

**Инвестиция дастурининг тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ва корхоналарнинг ўз  
маблағлари ҳисобига бажарилиш кўрсаткичлари<sup>13</sup>**

№	Инвестиция дастурининг бажарилиши (млн. АҚШ долл.)	Йиллар								
		2012			2013			2014		
		Факт	Режа	Ўзгариш (%)	Факт	Режа	Ўзгариш (%)	Факт	Режа	Ўзгариш (%)
1.	Тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича (млн. АҚШ долл.)	344,99	257,66	134	208,23	189,79	110	199,7	83,8	238
2.	Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича (млн. АҚШ долл.)	3,06	3,06	100	52,75	46,78	110	31,4	30,1	104
	Жами	348,05	260,72	134	260,98	236,57	110	231,1	114,9	201

<sup>13</sup>Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва Коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлигининг ҳисобот материалларигаасосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Инвестиция дастурига киритилган тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар бўйича жами ўзлаштирилган маблағлари ва йиллик режа бажарилиши қуйидаги 2.1-расмда тасвирланган:




**2.1-расм. 2011-2015 йилларда инвестиция дастурининг режа асосида бажарилиши<sup>14</sup>(%)**

2011 йилда Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар бўйича жами 348,05 млн. АҚШ долл. (548,35 млрд. сўм) ўзлаштирилди. (йиллик режа 140 фоизга бажарилди).

Тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича 2011 йилда 257,66 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилиши режалаштирилган. 2011 йилда 344,99 млн. АҚШ долл. (543,5 млрд. сўм) ўзлаштирилди. Бу йиллик режанинг 134 фоизини ташкил қилади. Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган Рақамли телевидение учун қабул қилгич (Set-top box)ларни йиғишни ташкиллаштириш (“Навоий” ЭИИЗ) лойиҳаси бўйича йиллик режа 3,06

<sup>14</sup>Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва Коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлигининг ҳисобот материалларигаасосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

млн. АҚШ долл. бўлиб, 3,06 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди. (йиллик режа 100%).



**2.2-расм. 2011-2015 йилларда инвестиция дастуридаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича жами ўзлаштирилган маблағлари<sup>15</sup>**

Инвестиция дастуридан ташқари корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 53,9 млрд. сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилди.

2012 йилда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастурига киритилган тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича жами 266,7 млн. АҚШ долл. (458,02 млрд. сўм) ўзлаштирилди (ҳисобот режаси 390 фоизга бажарилган). Белгиланган инвестиция дастуридан ташқари корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига ҳам 72,3 млрд. сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилди.

2013 йилги инвестиция дастурига киритилган тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича режадаги 236,57 млн. АҚШ долл. ўрнига 260,98 млн. АҚШ долл. (493,12 млрд. сўм) ўзлаштирилди (режа 110,0 фоизга бажарилди). Тўғридан-тўғри жалб

<sup>15</sup>Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва Коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлигининг ҳисобот материалларигаасосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

килинган хорижий сармоялар ҳисобига режадаги 189,79 млн. АҚШ долл. ўрнига 208,23 млн. АҚШ долл. (393,45 млрд. сўм) ўзлаштирилди (режага нисбатан 110,0 фоиз), корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига режадаги 46,78 млн. АҚШ долл. ўрнига 52,75 млн. АҚШ долл. (99,67 млрд. сўм) ўзлаштирилди (режага нисбатан 110 фоиз).

2014 йилда жами 231,1 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди, режа 203 фоизга бажарилди. Тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича 83,8 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 199,7 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди, режа 238 фоиз бажарилган. Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича 30,1 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 31,4 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди, режа 104 фоизга бажарилган.

2015 йилнинг инвестиция дастури бўйича ҳам киритилган лойиҳаларга асосан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига жами 235,48 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилиб, режа (233,.76 млн. АҚШ долл.) 100,7 фоизга бажарилди.

### Жадвал-2.3

#### Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар (2011-2015 йиллар)<sup>16</sup>

№	Маҳсулотлар	2011	2012	2013	2014	2015
	Йиллар					
1.	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар	2 152,99 млн.сўмл ик	665,4 млн.сўм лик	9 734,5 млн. сўмлик	17 851,2 млн. сўмлик	15070 млн. сўмлик
2.	Сотилган маҳсулотлар	2 152,99 млн.сўмл ик	665,4 млн.сўм лик	5316,3 млн.сў млик	17 311,3 млн.сўм лик	17700 млн. сўмлик
<b>Бажарилиш кўрсаткичи (%)</b>		<b>100</b>	<b>100</b>	<b>55</b>	<b>97</b>	<b>117</b>

<sup>16</sup>Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва Коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлигининг ҳисобот материалларигаасосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Жадвал-2.3 нинг кўрсаткич маълумотларидан кўриниб турибдики, 5 йил мобайнида корхоналар томонидан жами ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар миқдори ўтган йилларга нисбатан ўсган. Бу эса унинг ижобий томони ҳисобланади.


- 2011 йилда корхоналар томонидан жами 2 152,99 млн.сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва тўлиқ сотилган.

- 2012 йилда 665,4 млн.сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва барчаси сотилган. (ўсиш 26,8 баробар);

- 2013 йил якуни бўйича 9734,51 млн.сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, 5316,3 млн.сўмлик сотилган. (ўсиш 1,8 баробар);

- 2014 йил давомида жами 17 851,2 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилганва 17 311,3 млн.сўмлик маҳсулот сотилган;

- 2015 йил мобайнида эса 15070 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган,бу ўтган йилга нисбатан 6,5 фоизга камва 17700 млн. сўмлик маҳсулот сотилган,ўсиш 106,9%ни ташкил этди (режа 41%га бажарилган).




**2.3-расм. 2013-2014 йиллар ва 2015-ярим йиллик мобайнида корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори<sup>17</sup>**

<sup>17</sup>Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва Коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлигининг ҳисобот материалларигаасосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

“TELMAX ELEKTRONIKS” МЧЖ ИЧК томонидан 2013 йилда жами 1813,3 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 2014 йилда 3290,00 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ўсиш 181,4%ни ташкил этди, (1,8 млрд.сўм) ва тўлиқ сотилган. Режа 100% бажарилган. 2015 йилнинг 1 ярим йиллигида эса ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 687,20 млн.сўмни ташкил этди

“Навоий” ЭИИХда ташкил этилган “TELECOM INNOVATIONS” қўшма корхонаси томонидан 2013 йилда 12 892,2 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, 2014 йилда бу кўрсаткич 1173,00 млн.сўмни ташкил этди,бу ўтган йилга нисбатан 10,7 фоизга камва 1361,00 млн. сўмлик маҳсулот сотилган, ўсиш 109,7%ни ташкил этди . 2014 йил режаси 57,4% бажарилган. 2015 йилнинг 1 ярим йиллиги давомида 7660,0млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2013 йилда “Olive Telecom” Қўшма корхонаси томонидан 3145,7 млн.сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, жумладан, 5985 дона 908,8 млн.сўмлик стационар телефон, 14650 дона 1816,6 млн.сўмлик мобил телефон ҳамда 1010 дона 370,0 млн.сўмлик планшет компьютерлардан иборат. Шу йили компания томонидан устав жамғармасига етказиб бериши керак бўлган маҳсулотларни, яъни 28000 стационар телефон, 28000 мобил телефон ва 9990 та планшет компьютерларга бутловчиларни етказиб бериш бўйича мажбуриятини бажармаганлиги сабабли белгиланган режа ижроси таъминланмаган. Қўшимча инвесторларни жалб қилиш бўйича ишлар олиб борилганлиги сабабли 2014 йил давомида 365 дона 45,68 млн. сўмлик мобил телефон ишлаб чиқарилган, бироқ 2014 йил режаси бажарилмаган (0,3%). Режанинг бажарилмаганлигининг асосий сабаби хорижий хамкор томонидан бутловчи қисмларни етказиб бериш бўйича мажбурияти бажарилмаган.



**2.4-расм. Кенг полосали телекоммуникация хизматларидан фойдаланувчилар сонини ошириш бўйича умумий ўрнатилган ва фойдаланилган портлар сони<sup>18</sup> (минг дона)**

2.4-расмда келтирилган кўрсаткичларга асосан, кенг полосали телекоммуникация хизматларидан фойдаланувчилар сонини 100 мингга етказиш бўйича белгиланган топшириқ асосида олиб борилган ишлар натижасида 2011 йилда республика бўйича ўрнатилган портлар сони 243,082 мингтани, фойдаланилган портлар сони эса 147,760 мингтани, 2012 йилда умумий ўрнатилган портлар сони 378 мингтани, фойдаланилган портлар сони эса 202,7 мингтани (ўсиш мос равишда 55,5% ва 37,2% ), 2013 йил мобайнида эса умумий ўрнатилган портлар сони 575 145 тани, фойдаланилган портлар сони эса 288 997 тани (ўсиш мос равишда 152,2%, 142,6%), 2014 йилда умумий ўрнатилган портлар сони 638 282 тани, фойдаланилган портлар сони эса 390 580 тани (ўсиш мос равишда 110,9% ва 135,1%), 2015 йилнинг 1 чорагида умумий ўрнатилган

<sup>18</sup>Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва Коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлигининг ҳисобот материалларига асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

портлар сони 699 259 тани, фойдаланилган портлар сони эса 426 015 тани ташкил этди (жорий йил бошига ўрнатилган портлар сони 638 282 тани, фойдаланилган портлар сони эса 390 580 тани ташкил этган), жорий йилнинг бошига нисбатан ўсиш мос равишда 109,6% ва 109,1% ни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инвестиция фаолиятини ташкил этилганлик ҳолати юқорида келтирилган таҳлилий маълумотлардан келиб чиққан ҳолда ижобий ҳисобланади. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва янада кенгайтириш масалалари Вазирлик тизимидаги алоқа корхоналарида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари орқали ўз ечимини топади.

## 2.2. “Ўзбектелеком” АК молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили

“Ўзбектелеком” АК Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 июндаги “Телекоммуникациялар соҳасида бошқарувни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-2647-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги “Ўзбектелеком” АК фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” ги 253-сон Қарорига асосан “Маҳаллий Телеком” ва “Халқаро Телеком” акциядорлик жамиятларининг қўшилиши натижасида ташкил топган.

Компания тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

Компаниянинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро электралоқа, шу жумладан маълумотларни узатиш, шунингдек, телевидение ва радио дастурларини трансляция қилиш хизматларига бўлган талабни қондириш, улар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

- алоқа воситалари ва тармоқларини замонавийлаштириш ҳамда техник қайта жиҳозлаш, шу жумладан хорижий сармояларни кенг жалб

этиш ва қўшма корхоналар ташкил қилиш, телекоммуникация тизимларини тузиш ва фаолият кўрсатиши соҳасидаги жаҳон ютуқларини жорий этиш асосида:

- телекоммуникациялар соҳасида бозор ислохотларини янада ривожлантириш, республика ахборот тизимларини жаҳон телекоммуникациялар ва ахборот тармоғига интеграциялашувини таъминлаш;

- телекоммуникация воситалари фаолиятининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

“Ўзбектелеком” АК – ўз тармоғи билан бутун республикада худудини қамраб олган Ўзбекистон Республикасида энг йирик телекоммуникация операторидир. Замонавий технологиялар асосида қурилган ўз телекоммуникация тармоғидан фойдаланиб, компания телекоммуникация хизматларини тақдим этади.

Шу билан бирга, компания бошқа операторларни улаш, алоқа операторлари ва провайдерларига каналларни ижарага бериш хизматларини тақдим этади. CDMA стандартидаги мобил симсиз алоқа кенг ривожланиб келаётган истиқболли хизматлардан бири ҳисобланади.

Кейинги йилларда Компания телефон станциялари ва магистрал алоқа каналлари кўп қисмини модернизациялаштириб, ўз тармоқ технологик имкониятларини кескин мустақамлади ва кенгайтирди. Республика бўйича туман марказлари миқёсида маънавий эскирган аналог телефон станциялари замонавий рақамли станцияларга алмаштирилди. Оптик-толали алоқа линиялари асосида юқори тезликдаги рақамли каналлар яратилган тармоқни кенгайтириш ва унинг ишончилигини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Яратилган инфратузилма симсиз технологияларни, хусусан, мобил алоқани тез суръатлар билан ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

“Ўзбектелеком” АК мамлакатимизда телекоммуникациялар тизимида бўлаётган эътибор натижасида жуда тезлик билан ривожланиб бормоқда.

Бунинг натижаси сифатида қуйида келтирилган тахлилий материалларини кўрсатиш мумкин. “Ўзбектелеком” АКнинг фаолияти жараёнида эришган натижаларини унинг қанча даромадга эга эканлигидан билиб олишимиз мумкин.

#### Жадвал-2.4

#### “Ўзбектелеком” АК филиалларининг 2011-2014 йиллар мобайнида асосий фаолиятдан олинган даромадлари<sup>19</sup> (млн. сўм)

№	Филиаллар	2011	2012	2013	2014	Ўртача статистик ўзгариши, %
1.	Қорақалпоғистон Республикаси филиали	6 866	7 538	7 713	10 963	118,08
2.	Андижон филиали	6 815	6 223	6 825	10 848	119,98
3.	Бухоро филиали	8 571	9 000	10 714	15 598	123,21
4.	Навоий филиали	6 368	7 143	7 964	11 482	122,61
5.	Наманган филиали	7 053	7 794	7 884	11 717	120,09
6.	Сирдарё филиали	2 726	3 045	3 570	6 514	137,14
7.	Тошкент филиали	6 598	7 694	9 769	15 128	132,81
8.	Фарғона филиали	7 721	7 734	8 115	12 323	118,98
9.	Хоразм филиали	6 176	6 846	7 365	10 776	121,58
10.	“ТШТТ” филиали	56 142	64 951	73 556	97 599	120,54
11.	Жиззах филиали	1 058	1 050	1 192	2 977	154,17
12.	Қашқадарё филиали	3 608	3 672	4 349	7 012	127,15
13.	Сурхондарё филиали	2 146	2 068	2 219	4 273	132,08
14.	Самарқанд филиали	2 439	2 418	2 842	6 104	143,82
15.	“БКМ” филиали	40 108	50 569	54 130	45 784	105,90
16.	“ТТТ” филиали	56 539	62 170	60 124	46 911	94,90
17.	“Ўзмобиайл” филиали	10 287	20 522	42 682	52 470	176,80
18.	“БРМ” филиали	17 672	14 392	18 064	31 036	126,26
19.	Ижроия аппарати	201 943	382 768	415 985	483 821	138,18
20.	<b>Жами:</b>	<b>450 836</b>	<b>667 596</b>	<b>745 061</b>	<b>883 334</b>	<b>126,08</b>

<sup>19</sup>“Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Жадвал-2.4 нинг таҳлил натижаси шуни кўрсатадики 2011 йилда асосий фаолиятдан олинган жами даромадлар 450 836 млн. сўмни, 2012 йилда бу кўрсаткич 667 596 млн. сўмни, 2013 йилда 745 061 млн. сўмни ва 2014 йилда эса 883 334 млн. сўмни ташкил этди. Йиллар бўйича ҳисобланган ўртача статистик ўзгариш кўрсаткичининг энг юқориси Жиззах (154,17%) ва Ўзғабайл (176,80) филиалларининг фоиз кўрсаткичларига тўғри келади.

**Жадвал-2.5**

**“Ўзбектелеком” АК асосий фаолиятдан олинган даромадлари таҳлили<sup>20</sup>**

№	Йиллар Кўрсаткичлар номи	2011	2012	2013	2014	Ўртача статистик ўзгариши, %
2	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари, (млн. сўм)	-	294 165,8	379 289,6	464 413,4	122,44
3	Соф фойда, (млн. сўм)	9 814	13 553	15 854,7	39 691,5	168,48
4	Фаолият рентабеллиги (соф фойда/ маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	2%	2,2%	2,3%	4,9 %	158,79
5	OIBDA, (млн. сўм)	-	204 314,0	156 105,0	157 121,0	88,53
6	OIBDA Margin	-	33,1%	22,8%	19,5 %	77,20
7	EBITDA, (млн. сўм)	-	95 430	167 812,0	173 111,0	139,50
8	EBITDA Margin	-	15,4%	24,5%	21,4%	123,22
9	Инвестициялар, (млн. сўм)	-	-	141 425,0	131 400,0	92,91

Будан ташқари, юқорида келтирилган жадвал-2.5 нинг таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, 2011-2014 йиллар мобайнида маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушумнинг ўртача статистик ўзгариш кўрсаткичи 126,51%, соф фойданинг 168,48% эканлигини кўришимиз мумкин. Компания фаолиятининг асосий рентабеллигини умумий ҳисобда ўртача статистик ўзгариш кўрсаткичи 158,79% эканлиги корхонанинг ижобий фаолият кўрсатаётганлигини билдиради.

<sup>20</sup>“Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

2011-2014 йиллар оралиғидаги инвестиция фаолиятдан олинган даромадлар миқдори 7,09% га камайган, бунинг сабаби амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларнинг ҳали тугатилмаганлиги ва асосий инвестиция фаолиятдан олинган даромадларнинг ниҳоясига етмаганлигидир. Бироқ сўнгги йилларда амалга оширилган инвестиция фаолиятдан олинган маблағларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи ошиб, ижобий натижа бермоқда.

#### Жадвал-2.6

“Ўзбектелеком” АКда 2011-2014 йиллар мобайнида янги хизматлардан олинган даромадлар<sup>21</sup> (млн. сўм)

№	Йиллар Кўрсаткичлар номи	Йиллар				Ўртача статистик ўзгариши, %
		2011	2012	2013	2014	
1	Интернетга Кенг полосали уланиш	15 463,2	34 068,1	56 137,2	102 244,0	189,08
2	IP-телефония	18 528, 9	23 132,0	26 900,9	29 235,7	180,38
3	IP-TV Интерактив рақамли телевидение	-	78,6	1 160,0	4 313,8	923,85
4	Видеотелефония	-	163,1	172,8	182,4	105,75
5	Техник сервис	-	118,2	141,8	162,4	117,25

Жадвал-2.6 маълумотларидан кўриниб турибдики интернетга кенг полосали уланиш хизматидан олинган даромадлар 4 йилда ўртача статистик ўзгариш 189, 08% ни ташкил этди ҳамда янги хизмат турларидан олинаётган даромадлар миқдори ошаётганлигини исботлади.

<sup>21</sup>“Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Жадвал-2.7

“Ўзбектелеком” АКнинг ҳудудий филиалларида асосий хизмат турларидан олинган даромадлар<sup>22</sup>  
(2014 йил учун )

№	Ҳудудлар	Маҳаллий телефон алоқаси хизматидан олинган даромадлар(мингсўм)			Шаҳарлараро телефон алоқаси хизматидан олинган даромадлар (минг сўм)			Телеграф бўйича олинган даромадлар (минг сўм)			Маълумотларни узатиш тармоғи бўйича олинган даромадлар (минг сўм)		
		Режа	Факт	Ўзгариши %	Режа	Факт	Ўзгариши %	Режа	Факт	Ўзгариши %	Режа	Факт	Ўзгариши %
1	Қорақалпоғистон Республикаси	3 973 39	3 704 489	<b>93</b>	2 000 595	2 474 047	<b>124</b>	52 406	67 063	<b>128</b>	2 952 525	3 045 930	<b>103</b>
2	Андижон вилояти	2 562 036	2 537 949	<b>99</b>	2 472 964	2 770 902	<b>112</b>	33 875	121 506	<b>359</b>	3 055 000	3 182 334	<b>104</b>
3	Бухоро вилояти	4 382 000	4 321 874	<b>99</b>	4 155 000	3 746 207	<b>90</b>	30 000	64 604	<b>215</b>	4 730 000	4 904 316	<b>104</b>
4	Жиззах вилояти	338 077	337 367	<b>100</b>	595 702	551 475	<b>93</b>	8 280	15 737	<b>190</b>	405 770	544 039	<b>134</b>
5	Қашқадарё вилояти	1 359 543	1 453 045	<b>107</b>	2 450 806	1 825 588	<b>74</b>	12 990	11 211	<b>86</b>	1 600 000	1 633 389	<b>102</b>
6	Навоний вилояти	4 007 330	3 664 435	<b>91</b>	3 213 200	3 020 871	<b>94</b>	37 600	34 582	<b>92</b>	2 531 500	2 549 013	<b>101</b>
7	Наманган вилояти	3 827 790	3 926 719	<b>103</b>	3 128 721	3 019 944	<b>97</b>	64 630	85 333	<b>132</b>	2 271 000	2 356 254	<b>104</b>
8	Самарқанд вилояти	635 992	794 915	<b>125</b>	1 393 576	1 227 172	<b>88</b>	5 155	4 166	<b>81</b>	1 651 000	1 737 318	<b>105</b>
9	Сурхондарё вилояти	735 867	530 240	<b>72</b>	1 168 662	1 134 787	<b>97</b>	68 021	92 127	<b>135</b>	958 000	1 013 738	<b>106</b>
10	Сирдарё вилояти	927 339	943 765	<b>102</b>	1 304 535	1 370 406	<b>105</b>	13 500	14 641	<b>108</b>	2 390 900	2 452 269	<b>103</b>
11	Тошкент вилояти	2 137 716	2 781 786	<b>130</b>	3 502 632	3 316 656	<b>95</b>	26 700	58 976	<b>221</b>	6 658 612	6 749 431	<b>101</b>
12	Фарғона вилояти	3 540 183	3 196 476	<b>90</b>	3 335 225	3 077 465	<b>92</b>	49 800	120 753	<b>242</b>	3 622 177	3 727 265	<b>103</b>
13	Хоразм вилояти	2 690 327	2 656 095	<b>99</b>	2 869 660	2 456 993	<b>86</b>	70 000	59 044	<b>84</b>	3 652 000	3 652 726	<b>100</b>
	<b>Жами</b>	<b>27 059 987</b>	<b>27 228 879</b>	<b>101</b>	<b>31 953 875</b>	<b>29 629 916</b>	<b>93</b>	<b>609 849</b>	<b>612 851</b>	<b>100</b>	<b>36 873 539</b>	<b>37 152 967</b>	<b>101</b>

<sup>22</sup>“Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Юқоридаги жадвал-2.7да 2014 йилда “Ўзбектелеком” АКнинг худудий филиалларида асосий маҳаллий телефон алоқаси хизмати, шаҳарлараро телефон алоқаси хизмати, телеграф ва маълумотларни узатиш тармоғи каби хизмат турларидан олинган даромадлари режа ва факт кўрсаткичлари бўйича келтирилган. Режа кўрсаткичларининг амалда бажарилиш ҳолати факт кўрсаткичлари қаторида йиллик натижалар бўйича кўрсатилган.

- маҳаллий телефон алоқаси хизматидан олинган даромадлар - 27 228 879 минг сўм, (режада 27 059 987 минг сўм);

- шаҳарлараро телефон алоқаси хизматидан олинган даромадлар - 29 629 916 минг сўм, (режада 31 953 875 минг сўм);

- телеграф бўйича олинган даромадлар –612 851 минг сўм, (режада 609 849 минг сўм);

- маълумотларни узатиш тармоғи бўйича олинган даромадлар - 37 152 967 минг сўм, (режада 36 873 539 минг сўм)

Келтирилган маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, 2014 йилда энг кўп даромад маълумотларни узатиш тармоғидан олинган даромадлар эканлигини келтиришимиз мумкин ва бу белгиланган режа асосида 101 фоизга бажарилганлиги кўриниб турибди. Маълумотларни узатиш тармоғи таркибига Интернет хизматидан олинган даромадлар ҳам киради, шунинг учун ҳам ушбу хизматлардан олинган даромадлар бошқа хизмат турларига қараганда кўпроқ. Барча хизмат турларининг режа бўйича бажарилишини таҳлил қилсак, маълумотларни узатиш тармоғи бўйича ва маҳаллий телефон алоқасидан олинган даромадлар 101 фоизга, телеграф бўйича олинган даромадлар 100 фоизга амалга оширилганлиги маълум бўлди. Шаҳарлараро телефон алоқаси хизматидан олинган даромадлар эса режага нисбатан 93 фоизга бажарилди.

Худудий жиҳатдан энг юқори кўрсаткич Фарғона вилоятининг телеграф хизмати бўйича олинган даромадларига тўғри келади ва у 2014 йилдаги ҳисоб-китобларга асосан 242 фоизга бажарилган.

2011 йилдаги компаниянинг асосий хизмат турлари бўйича олинган жами даромадлари миқдори фақат факт кўрсаткичлари асосида келтирилган. Энг кўп миқдордаги олинган даромадлар бўйича шаҳарлараро телефон алоқаси хизматидан олинган даромадлар миқдори аниқланди ва у бошқа хизмат турларига нисбатан юқори миқдорда даромад келтирганлиги белгиланди (Илова-1).

2012 йил мобайнида компаниянинг асосий хизмат турлари бўйича олинган даромадлари режа ва факт кўрсаткичлари асосида келтирилган. Ўз ўзидан кўриниб турибдики, 2012 йилда маълумотларни узатиш тармоғи ва интернет хизматларини кўрсатиш бўйича жами даромадларнинг миқдори 100% деб ҳисобланди. Бошқа хизмат турларидан олинган даромадлар ҳам ижобий натижага эришганлиги, яъни камида 98% лик режа бажарилиши амалга оширилганлиги таҳлилда белгилаб ўтилган. Таҳлилий материалда кўрсатилганидек компаниянинг ҳудудий филиаллари мисолида таққослайдиган бўлсак, Сурхондарё вилоятида маҳаллий телефон алоқаси хизматидан олинган даромадлари миқдори режанинг 121% га бажарилганлиги билан энг юқори кўрсаткичга эришилган. Шаҳарлараро телефон алоқаси хизмати бўйича бундай юқори кўрсаткич режанинг 116%га бажарилиши билан Қашқадарё вилоятига тўғри келади. Телеграф хизмати бўйича олинган даромадлар Бухоро ва Хоразм вилоятларида режанинг бажарилиши 170% ва 135% миқдорда амалга оширилганлиги кўриниб турибди. Маълумотларни узатиш тармоғидан олинган даромадлар миқдори ҳам Тошкент, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида мос равишда 138%, 123% ва 120% эканлиги маълум бўлди. Демак, 2012 йилда компаниянинг асосий хизмат турларидан олинган даромадлар миқдори бўйича юқоридаги келтирилган маълумотларга асосан ҳудудий жиҳатдан ҳам режа асосида ҳам ўринли бажарилган (Илова-2).

2013 йилда компаниянинг асосий хизмат турларидан олинган даромадлари таҳлил қилинган. Маълумотларни узатиш тармоғи ва телеграф хизмати бўйича олинган даромадлар, белгиланган режадан

ортиғи билан бажарилган. Айниқса, маълумотларни узатиш тармоғи хизматидан олинган даромадларнинг ҳудудий жиҳатдан бирмунча тенгликка эга эканлиги таҳлилий материалда кўриниб турибди, яъни компаниянинг вилоятлардаги барча филиалларида ушбу хизматдан олинган даромадлар 100%дан ортиқ натижага эришилган ва бу 2013 йил учун энг юқори кўрсаткич деб ҳисобланди. Қашқадарё (55%), Самарқанд (60%), Сирдарё (75%) ва Хоразм (72%) вилоятларида телеграф бўйича кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар миқдори режа асосида бажарилмаган ва факт кўрсаткичлари бўйича энг паст натижани кўрсатаётганлиги аниқланди. Умумий миқдорда хизмат турларининг режага асосан бажарилишини ҳисоблаганимизда мос равишда маҳаллий телефон алоқаси бўйича 100% га, шаҳарлараро телефон алоқаси бўйича 97% га, телеграф бўйича 134% га ва маълумотларни узатиш тармоғи бўйича 118% га тенг ҳисобда амалга оширилганлигини ва унинг натижаси ижобий эканлигини кўришимиз мумкин (Илова-3).

Компаниянинг ҳудудий филиалларида маҳаллий телефон алоқасининг умумий даромадлари миқдори 2011 йилда 28 532 229 минг сўмни, 2012 йилда 26 934 726 минг сўмни, 2013 йилда 28 240 863 минг сўмни ва 2014 йилда эса 27 228 879 минг сўмни ташкил этди, унинг 4 йил ичидаги ўртача статистик ўзгариши 99% деб ҳисобланди. Кўриниб турибдики 2011 йилдаги жами даромадлар бошқа йиллардагига нисбатан кўп. Ҳудудий жиҳатдан, 2011 йилда энг кўп даромад миқдори бўйича Фарғона вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилоятига тўғри келади. 2012, 2013 ва 2014 йилларда ҳам вилоятлар бўйича унча сезиларли ўзгариш рўй бермаган, Бухоро, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг кўрсаткичлари юқори бўлган (Илова-4).

Шаҳарлараро телефон алоқаси хизматидан олинган даромадлар бўйича кўрсаткичлар миқдори 4 йил мобайнида пасайган ва ўртача статистик ўзгариши 95 % натижани бермоқда. Жами даромадлар миқдори куйидагича: 2011 йилда 34 134 998 минг сўм, 2012 йилда 31 023 720 минг

сўм, 2013 йилда 30 393 204 минг сўм ва 2014 йилда эса 29 629 916 минг сўмдан иборат.

Филиаллар ичидан 4 йиллик даромадлар миқдорида сезиларли ўзгариш сезилмаган ҳудудларга Тошкент Самарқанд ва Наманган вилоятларини киритишимиз мумкин. 2011 ва 2012 йиллар орлиғида даромадлар миқдорида эътибор қаратадиган бўлсак йилдан йилга нисбатан ўсиш фақат Фарғона ва Наманган вилоятларига тўғри келди. 2012 ва 2013 йилларни таҳлил қилсак, кўрсаткичларнинг йилда йилга ошаётганлигини бирмунча вилоятларда кўришимиз мумкин. Яъни, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида айнан ўзгаришлар ҳисобланган. Ушбу асосий хизмат туридан олинган даромадлар миқдорининг ўзгариши 2013 ва 2014 йилда бошқа йилларга нисбатан сезиларли даражада фарқ қилади. Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ўтган йилга нисбатан ўсиш кузатилган (Илова-5).

“Ўзбектелеком” АКнинг ҳудудий филиалларида телеграф бўйича олинган даромадлар ижобий жиҳатдан ўзгарган, яъни 2011-2014 йилларда ошган. Даромадлар миқдорининг ўзгарганлиги ҳисобланган ўртача статистик ўзгариш кўрсаткичида ҳам кўриниб турибди ва у 104 %ни ташкил этади. Андижон, Жиззах, Тошкент, Фарғона вилоятларида кўрсаткичлар юқори тезликда ўзгарган, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида даромадлар миқдорининг пасайиши аниқланди (Илова-6).

Маълумотларни узатиш тармоғи хизматидан олинган даромадларнинг жами йиллик кўрсаткичларига эътибор қаратсак, йиллар мобайнида камида бир баробарга ўсиш суръати аниқланди. Бунинг асосий сабабларидан бири ушбу хизмат турининг таркибини Интернет хизматлари ҳам қамраб олади ва ундан тушган даромадлар унинг миқдорини ўзгартиради (Илова-7).

**“Ўзбектелеком” АКнинг ҳудудий филиалларида янги хизмат турларидан олинган даромадлари  
(2015 йил учун)<sup>23</sup>**

№	Ҳудудлар	Видеотелефония хизматларидан тушган даромадлар,(минг.сум)			Техник сервис хизматларидан тушган даромадлар (минг.сум)			Интерактив телевидения хизматларидан тушган даромадлар (IPTV), (минг.сум)		
		Факт	Режа	Ўзгариши %	Факт	Режа	Ўзгариши %	Факт	Режа	Ўзгариши %
1	Қорақалпоғистон Республикаси	85	6 474	1	6 459	6 390	101	446 033	72 658	614
2	Андижон вилояти	85	6 689	1	6 411	6 390	100	630 526	125 541	502
3	Бухоро вилояти	85	6 774	1	7 450	6 390	117	588 827	70 481	835
4	Жиззах вилояти	1 030	5 830	18	9 277	6 390	145	447 448	26 426	1 693
5	Қашқадарё вилояти	1 765	6 774	26	10 650	6 390	167	691 553	50 000	1383
6	Навоий вилояти	180	7 846	2	6 395	6 390	100	401 067	66 067	607
7	Наманган вилояти	85	6 004	1	6 487	6 390	102	548 349	68 273	803
8	Самарқанд вилояти	433	6 515	7	8 243	6 390	129	565 608	61 682	917
9	Сурхондарё вилояти	85	6 131	1	12 908	6 390	202	440 969	29 737	1 483
10	Сирдарё вилояти	85	6 004	1	6 559	6 390	103	642 723	48 899	1 314
11	Тошкент вилояти	2 755	5 359	51	27 679	6 390	433	435 658	121 126	360
12	Фарғона вилояти	505	6 131	8	14 291	6 390	224	484 287	103 498	468
13	Хоразм вилояти	85	5 916	1	8 442	6 390	132	429 836	79 279	542
14	Тошкент шаҳри	53 117	5 489	968	26 334	25 560	103	1 535 302	2 380 282	65
	<b>Жами</b>	<b>60 384</b>	<b>87 936</b>	<b>69</b>	<b>157 584</b>	<b>108 630</b>	<b>145</b>	<b>8 288 185</b>	<b>3 303 949</b>	<b>251</b>

<sup>23</sup> “Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ушбу жадвал-2.8 да 2015 йилда “Ўзбектелеком” АК нинг ҳудудий филиалларида янги хизмат турлари Видеотелефония, Техник сервис ва Интерактив телевидения хизматларидан олинган даромадлар миқдори режа ва факт кўрсаткичлари бўйича келтирилган.

Режа кўрсаткичлари ҳар йили белгиланадиган дастурнинг вазифалари асосида келтирилган кўрсаткичлар бўлиб, уларнинг амалда бажарилиш ҳолати айнан факт кўрсаткичлари қаторида келтирилган. Уларнинг режа асосида бажарилишига эътибор қаратадиган бўлсак, Видеотелефония хизматларидан олинган даромадлар 69 фоизга, Техник сервис хизматларидан олинган даромадлар 145 фоизга ва Интерактив телевидения хизматларидан олинган даромадлар (IPTV) эса 251 фоизга бажарилган.

Демак, энг юқори кўрсаткич IPTV хизматидан олинган даромадлиги аниқланди. Ушбу фаолиятнинг даромадлари 2015 йилда режалаштирилган даромадга нисбатан 2,5 баробарга ошганлиги кузатилди. Видеотелефония хизматларидан тушган даромадлар эса режа бўйича амалга оширилмоқда.

Ҳудудий жиҳатдан таққослайдиган бўлсак, ушбу хизматлардан олинган даромадлар миқдори бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрига тўғри келди ва унда режа бажарилишининг деярли 50%га яқин қисми айнан ушбу ҳудуд кўрсаткичлари кўриниб турибди.

2013 йилда “Ўзбектелеком” АК нинг ҳудудий филиалларида янги хизмат турлари бўйича кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар келтирилган ва кўрсатилаётган қўшимча хизматлардан олинган даромадлар таҳлил қилинган.

Умумий олиб қаралганда, барча хизмат турлари бўйича факт кўрсаткичлари режада белгиланган кўрсаткичларга асосан тўлиқ амалга оширилган бўлиб, Видеотелефония хизматларидан олинган даромадлар бўйича деярли 2,5 баробар ва техник сервис хизматларидан олинган даромадлар бўйича эса 1,4 баробар ўсишга эришилган. Режа бажарилишининг ҳолати ҳам шу кўрсаткичларга мувофиқ Видеотелефония

бўйича 249%га, техник сервис бўйича 144%га ва Интерактив телевидения бўйича эса 100%га етказилди.

Таҳлилни ҳудудлардаги кўрсаткичлар ҳолати бўйича олиб қарайдиган бўлсак, Видеотелефония хизматларидан олинган даромадлар бўйича Тошкент вилояти, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари, Техник сервис хизматларидан олинган даромадлари бўйича Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, Фарғона вилоятлари, Интерактив телевидения хизматларидан олинган даромадлар (IPTV) бўйича Самарқанд, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари кўрсаткичларининг юқори эканлиги маълум бўлди(Илова-8).

2014 йилда “Ўзбектелеком” АКнинг ҳудудий филиалларида Видеотелефония, Техник сервис ва Интерактив телевидения каби янги хизмат турларидан олинган даромадлар миқдорининг режа ва факт бўйича кўрсаткичлари келтирилган. Режа кўрсаткичлари ҳар йили белгиланадиган дастурнинг вазифалари асосида келтирилган кўрсаткичлар бўлиб. Уларнинг амалда бажарилиш ҳолати айнан факт кўрсаткичлари қаторида келтирилган.

2014 йилда ҳам энг юқори кўрсаткич IPTV хизматидан олинган даромад миқдори эканлиги аниқланди. 2014 йилда режалаштирилган барча турдаги қўшимга хизматлардан олинган даромадларнинг ошганлигини кўришимиз мумкин: видеотелефония бўйича – 2,2 баробар, техник сервис хизмати бўйича – 1,57 баробар, IPTV – 1,92 баробар.

Ҳудудий миқёсда барча хизмат турлари бўйича олинган даромадлар бўйича юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида, ундан кейинги ўринларда Видеотелефония хизматларидан олинган даромадлар бўйича Тошкент вилояти, Навоий, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари, Техник сервис хизматларидан олинган даромадлари бўйича Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, Андижон ва Фарғона вилоятлари, Интерактив телевидения хизматларидан олинган даромадлар (IPTV) бўйича Қашқадарё, Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари кўрсаткичларининг юқори эканлиги маълум бўлди (Илова-9).

Кўриниб турибдики, 2013-2015 йиллар мобайнида видеотелефония хизматидан олинган даромадлар умумий ҳисобланганда 3 йил ичида 30 фоизга пасайган. 2015 йилда даромадларнинг пасайиши айнан ушбу ҳудудларда, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларининг кўрсаткичларида кузатилган. Чунки аҳолига кўрсатилаётган қўшимча хизмат турлари ушбу ҳудудий филиалларнинг фаолиятида асосий ўринни эгаллайди, бироқ фойдаланувчилар учун эса кейинги босқичда туради.

Бунинг асосий сабаби сифатида, компаниянинг янги хизмат турларидан фойдаланиш кўрсаткичи фақатгина Тошкент шаҳрига тўғри келади, яъни олинган даромадлар миқдоридан ҳам маълумки Тошкент шаҳрида кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланиш бошқа ҳудудий филиалларга нисбатан юқори даражада эканлигини келтириш мумкин (Илова-10).

Келтирилган кўрсаткичларга асосан 2013 йилда техник сервис хизматидан олинган даромадлар миқдори 141 800 минг сўмни, 2014 йилда 162 387 минг сўмни ва шу кўрсаткич 2015 йилда 157 584 минг сўмни ташкил этди. Бу давр мобайнидаги ўртача статистик ўзгариши 105,78% деб ҳисобланди.

Умумий ҳисобланганда, 2013-2015 йиллар мобайнида техник сервис хизматидан олинган даромадлар 3 йил мобайнида ўртача 5 фоизга ошганлиги юқоридаги жадвалда келтирилган. Айнан Андижон ва Навоий вилоятларида даромад кўрсаткичларининг шундай миқдорда ўзгариши кузатилган. Ушбу давр оралиғида даромадларнинг ошиши 50 фоиз деб ҳисобланди. 2013 – 2015 йилларда IPTV хизматидан тушган даромадлар миқдори тезлик билан сезиларли даражада ошди ва бу ўртача ҳисобда 2,82 баробарга ошганлиги кўринди. Бу кўрсаткичлар Жиззах ва Навоий вилоятларининг хизматларидан олинган даромадлар ҳисобига аниқланди. Ушбу ҳудудларнинг даромадлар миқдори 5 баробардан ортиқроқни ташкил этди (Илова-11).

Таҳлил натижасида шуни айтиш мумкинки, 3 йил ичида Тошкент шаҳрининг кўрсаткичларидан ташқари, бошқа барча ҳудудий филиалларнинг даромадлар миқдори сезиларли юқори даражада ошиб борган ва бунинг натижасида аҳолига кўшимча хизматларнинг кўрсатилиши йилдан йилга ошиб бормоқда (Илова-12).

### 2.3. “Ўзбектелеком” АК инвестицион фаолияти таҳлили

“Ўзбектелеком” АК бугунги кунда телекоммуникация фаолиятининг барча турларига, шу жумладан, мобил, шаҳарлараро ва халқаро алоқа фаолиятига бир неча ўн йиллик муддатга лицензияларга эга. “Ўзбектелеком” ўз тармоқлари билан Ўзбекистон Республикасининг деярли бутун ҳудудини қамраб олган. Компаниянинг маҳаллий телекоммуникация тармоғи 1,9 млн.дан ортиқ рақамли сиғимга эга бўлган 2 мингдан ортиқ АТСларга эга бўлиб, уларнинг 90 фоизи рақамли ҳисобланади. Маҳаллий телекоммуникация тармоқларини рақамлаштириш электр алоқаси тармоқлари фаолияти сифатини анча оширишга имкон берди. Тармоқ абонентларига хизматларнинг янги турларини тақдим этишни таъминлади ҳамда фойдаланувчилар кенг доирасига Интернет тармоғига юқори тезликда коммутацияли уланишни ташкил этишга имкон берди.

Салоҳиятли инвесторлар Марказий Осиёнинг аҳолиси энг зич жойлашган ва геополитик жиҳатдан етакчи телекоммуникация оператори “Ўзбектелеком” АКнинг 49 фоиз акциялар пакетини сотиб олишдек ажойиб имкониятга эга ҳисобланадилар.

“Ўзбектелеком” АК нинг инвестиция фаолиятини таҳлил қилишда асосан давлат инвестиция дастури асосида белгиланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишига эътибор қаратишимиз зарур деб ҳисобладик.

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар<sup>24</sup>

	Ташаббус ва лойиҳалар тури	Лойиҳалаш қуввати	Амалга ошириш муддати
1.	Кенг полосали оптик алоқа тармоқларини қуриш	6100 км оптик алоқа тармоқларини қуриш	2015-2017 йиллар
2.	“Ўзбектелеком” АК “Uzmobile” миллий алоқа оператори филиалларининг тармоқларини яратиш (II босқич)	База станцияларни ва коммутаторларни, радиореле қурилмаларини ўрнатиш	2014-2017 йиллар
3.	Миллий умумтаълим электрон кутубхона (Ўзбекистон Миллий утубхонаси билан ҳамкорликда)	Мултимедиали ахборот ресурсларини ишга тушириш	2014-2015 йиллар
4.	Радиомониторинг ва телерадиоузатиш тизимини модернизация қилиш (III босқич) ЭМММ	мавжуд фаолиятни давом эттириш	2014-2015 йиллар
5.	Ўзбекистон Республикасида рақамли уатиш тармоғини ривожлантириш	Рақамли узаткичлар ўрнатиш	2015-2017 йиллар
6.	“COSCOM” ХК алоқа тармоқларини техник ва технологик кенгайтириш	26074 млн. дақиқали эфир вақтини тақдим этиш	2015 йил
7.	"Unitel" МЧЖ мобил алоқа тизимини кенгайтириш (навбатдаги босқич)	Абонентлар сифимини 10,8 млн.га ошириш	2015 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил учун инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2264-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган 2015 йилда янги, амалдаги ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш бўйича йирик инвестицион лойиҳаларнинг манзилли дастуридан кўчирма сифатида жадвал-2.9 ни келтириш мумкин.

Белгиланган инвестиция дастури доирасидаги лойиҳалар асосида ўтган йиллар мобайнида бир қанча ишлар амалга оширилди. Режа кўрсаткичларининг бажарилиши давом этмоқда ва лойиҳаларнинг қувватига асосан ўз натижасини кўрсатмоқда.

<sup>24</sup>[http://www.mtc.uz/uz/activities/indicators\\_industry\\_development/](http://www.mtc.uz/uz/activities/indicators_industry_development/) соҳанинг ривожланиш динамикаси рукни

2011 йилда “Ўзбектелеком” АКда умумий ҳисобда 11та инвестиция лойиҳалари амалга оширилган бўлиб, уларнинг деярли барчаси компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган. “Жиззах-Булунғур ОТАЛ (оптик толали алоқа линияси) қурилиши” лойиҳасининг асосий мақсади оптик толали алоқа линияларининг Жиззах вилояти ва Самарқанд вилоятларининг тоғли аҳоли яшаш пунктларигача етказилишини таъминлашдан иборат бўлиб, унинг умумий миқдори 500 000,0 АҚШ долларини ташкил этган. Шу йилда амалга оширилган лойиҳалардан бири сифатида “FTTB технологияси асосида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш” ни келтиришимиз мумкин (Илова-13).

2012 йил мобайнида компанияда инвестиция фаолияти бўйича 15дан ортиқ инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилган. Лойиҳаларнинг амалдаги ҳолати давлат инвестиция дастури доирасида белгиланган режа асосида бажарилган ва умумий миқдорда энг кўп маблағ ажратилган лойиҳалар қаторига “Ўзбектелеком” АК маҳаллий телекоммуникация тармоқларини(NGN)"янги авлод технологиялари асосида ривожлантириш ва модернизациялаш лойиҳасини мисол қилиб келтиришимиз мумкин (Илова-14).

2013 йилда бир қатор лойиҳалар амалга оширилди ва йил якунлари бўйича капитал маблағлар ўзлаштирилди (Илова-15).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2264-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги инвестиция Дастури”га асосан жорий йилда жами 223,39 млн. АҚШ доллари (570,906 млрд.сўм) миқдоридаги 7 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 майдаги 02/1-5454-сон топшириғига мувофиқ, жорий йил I ярим йиллигида 84,05 млн. АҚШ долл. (214,8 млрд. сўм) миқдорида маблағ ўзлаштириш топширилган (Илова-16).

“Ўзбектелеком” АКда амалга оширилган лойиҳалар<sup>25</sup> (2015 йил учун)

№	Лойиҳа номи	Лойиҳа қиймати	Молиялаштириш манбаи	Лойиҳа мақсади
1.	“Азимут” ССС қабул қилувчи ва узатувчи спутник антенналарини ўрнатиш	1 508 856,0 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	Интернетга уланиш хизматларини кўрсатиш вақтида халқаро тармоқ трактларини захиралаш учун янги қабул қилувчи ва узатувчи тўлиқ комплект ускуналарини ўрнатиш.(4 портли, “С” даражали диапазон частот антенналари 11метрдан кам бўлмаган диаметрли рефлектор билан)
2.	“Худуд” рақамли телеканални яна ташкил этишда материал-техник базаларни таъминлаш	351 614,0 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	«Худуд» рақамли телеканални ташкил этишда халқаро стандарт ва талабларга жавоб бера оладиган материал-техник база билан таъминлаш режалаштирилган.
3.	““ТШТТ” филиали IP-MPLS тармоқларини кенгайтириш”	607 181,6 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	Лойиҳанинг реализацияси Интернет ва маълумотларни узатиш тармоқлари фойдаланувчиларига юқори тезликдаги уланишни ташкил этиш, маълумотлар узатиш тезлигини ошириш мақсадида IP/MPLS мултисервис тармоқларини кенгайтиришни ишлаб чиқишдан иборат.
4.	“Тошкент – Бухоро йўналишида магистрал телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш”	410 246,0 АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	Лойиҳа доирасида “Тошкент – Бухоро йўналишида магистрал телекоммуникация алоқа тармоқларини қўшимча 100G кенгайтириш режалаштирилган.
6.	“Ўзбектелеком” АК магистрал тармоғини Ўзбекистон Республикаси туман марказларигача кенгайтириш ва ишончилигини ошириш”	65 700 000,00 АҚШ доллари	- Хитой давлат тараққиёти банкининг кредити - 29 775,96минг АҚШ доллари (85 %); - “Алоқабанк” билан кредити - 5 254,58 минг АҚШ доллари (15%).	“Ўзбектелеком” АК мавжуд магистрал ва зонаичи транспорт тармоқларини захираланади, халқаро йўналишларга чиқиш тезлигини 100 Гбит/сек.га, вилоят марказларигача магистрал тармоқ ўтказувчанлигини 40 Гбит/сек.га, зонаичи магистрал тармоқ ўтказувчанлигини 10 Гбит/сек.га етказилади.
7.	“Ўзмобиайл” мобил алоқа оператори миллий тармоғини ташкил этиш (1босқич)”	35 000 000,00АҚШ доллари	- Хитой давлат тараққиёти банкининг кредити - 5 865,00минг АҚШ доллари (85	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида GSM (2G), UMTS (3G) ва LTE (4G) технологияларини қўллаган ҳолда янги мобиль алоқа тармоғини ташкил

<sup>25</sup>“Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

			<p>);</p> <p>- “Алоқабанк” билан кредити -1 035,00 минг АҚШ доллари (15%).</p>	<p>этиш;</p> <p>Мазкур лойиха доирасида 2G, 3G ва 4G технологияси қўлланган 340 та база станцияларини ўрнатиш орқали 1 млн. рақамга тенг комутация қурилмалари ўрнатиш режалаштирилган.</p>
8.	“FTTx технологияси асосида кенг полосали оптик уланиш тармоғини ривожлантириш”	6 900 000,00 АҚШ доллари	<p>- Хитой давлат тараққиёти банкининг кредити - 55 859,04 минг АҚШ доллари (85 %);</p> <p>- “Алоқабанк” билан кредити – 9 857,48 минг АҚШ доллари (15%)</p>	Тошкент шаҳрида кенг полосали портлар сонини 69 120 тага ошириш режалаштирилган.
10.	“Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация ва ахборот коммуникация инфраструктураси магистрал тармоғини ривожлантириш”	11 816 610,00 ўз маблағлари 57 018 630,00 АҚШ доллари	Кредит JBIC	<p>Лойиха доирасида Мультисервис тармоқлар ўтказувчанлигини:</p> <p>- вилоят марказлари даражасида 40 Гбит/сгача;</p> <p>- туман марказлари даражасида 10 Гбит/сгача кенгайтириш белгиланган.</p>
11.	IMS (IP Multimedia Subsystem) технологияси асосида коммутация марказларини модернизациялаш (2 босқич)	2 614 951,00 ўз маблағлари 12 662 242,00 кредит эвазига АҚШ доллари	Кредит JBIC	IP технологияси асосида янги хизмат турларини жорий этиш. IMS технологиясидан фойдаланувчилар сонини 100 000 тага ошириш.
12.	“NGN технологияси асосида коммутация қурилмаларини кенгайтириш”	3 974 770,00 ўз маблағлари	20 870 270,00 Кредит поставщика АҚШ доллари	Республика миқёсида NGN технологияси асосида умумий сифими 250 минг рақамга тенг коммутация қурилмаларини ўрнатиш белгиланган.
13.	“Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ташкил этиш (“Дата-центр”)	8,4 млн.	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	<p>Тошкент шаҳрида 5 000 Тбайт сифимдаги Дата-центр қуриш</p> <p>Лойиха бўйича Дата-центр ташкил этиш юзасидан Концепция, Техник топшириқ ва Дастлабки техник-иқтисодий асос (ПТЭО) ишлаб чиқилди. Зарур қурилмаларни келтириш ва ўрнатиш бўйича тендер савдолари ўтказилди.</p>
14.	“Корпоратив секторга мультимедиа хизматларини кўрсатиш учун студиялар яратиш”	3,8 млн. АҚШ доллари	“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маблағи ҳисобидан амалга оширилди.	Республика ҳудудларида жами 13 та мультимедиа студияларини ташкил этиш белгиланган.

Ҳисобот даврида инвестиция дастурига киритилган ва қўшимча лойиҳалар ҳисобига жами 100,81 млн. АҚШ долл. (257,6 млрд. сўм) миқдорида маблағ ўзлаштирилиб, ҳисобот режаси 120 фоизга бажарилган.


Жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар - 92,34 млн. АҚШ долл. (235,99 млрд. сўм), корхоналарнинг ўз маблағлари - 1,72 млн. АҚШ долл. (4,4 млрд. сўм), тижорат банклари кредит маблағлари - 6,75 млн. АҚШ долл. (17,2 млрд. сўм)ни ташкил этади.

Оптик алоқа линияларини қуриш лойиҳаси доирасида лойиҳа смета ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилди, мазкур лойиҳа асосида участкаларда жами 1050 км оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди ва 3,8 млрд.сўм (1,5 млн. АҚШ долл) маблағ ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ, компания телекоммуникация тармоқларига инвестиция лойиҳаларининг жорий этилиши, “Ўзбектелеком” АК учун барқарор ривожланишнинг муҳим шартларидан бўлган, устувор йўналишларнинг амалга оширилиши ҳисобланади. “Ўзбектелеком” АК инвестиция фаолияти компания олдида қўйилган асосий вазифалари, савдо бозорларини кенгайтириш ва мавжуд телекоммуникация хизматлари бозорида рақобатбардошлик ҳолатини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда амалга оширилади.

Қуйидаги 2.5-расмда компанияда 2012-2014 йилларда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари орқали ўзлаштирилган маблағлар ҳажми келтирилган. 2012 йилда “Ўзбектелеком” АК ўзлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажми 121,9 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилга нисбатан 2,9 баробар ўсиш натижасини берган. 2013 йилдаги “Ўзбектелеком” АК ўзлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажми 141,4 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилга нисбатан 1,16 баробар ўсиш натижасини берган. 2014 йилда эса “Ўзбектелеком” АК томонидан

Ўзлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажми 131,4 млрд. сўмни ташкил этди.



**2.5-расм. Ўзлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажми<sup>26</sup>  
(млрд.сўм)**

“Ўзбектелеком” АК молиявий кўрсаткичлари компаниянинг асосини ташкил этувчи кўрсаткичлар яъни, даромадлар, харажатлар ва соф фойда ҳисобланади. Бу уч кўрсаткич барча корхоналар учун асосий вазифани эгаллайди. Келтирилган маълумотлар асосида шу нарса маълумки, компаниянинг харажатлари ва даромадлари миқдори асосида унинг соф фойдаси аниқланди. Соф фойда йилдан-йилга компаниянинг телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтириб бориши, аҳолига янги хизмат турларининг кўрсатилиши ва шу каби бошқа сабаблардан ошиб бормоқда.

“Ўзбектелеком” АК амалга ошираётган турли фаолиятларининг натижаси жадвал-2.11 да келтирилган кўрсаткичларга айниқса, рентабеллик кўрсаткичига асосланиб аниқланади.

Инвестиция лойиҳаларининг бажарилиш жараёни ва унинг самарадорлиги бир нечта босқичларда ҳисоблаб чиқилади.

<sup>26</sup>“Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

**Жадвал-2.11**

**Компаниянинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари<sup>27</sup>**

т/р	Кўрсаткичлар номи	2013 йил	2014 йил	Меъёр даражаси
1	Ўзининг айланма маблағлари билан таъминлаш коэффициенти	0,4	0,2	> 0,2
2	Тўлов қобилиятлилиқ коэффициенти	1,9	1,27	> 1,25
3	Жорий активларнинг рентабеллиги	0,03	0,05	> 0
4	Қарзга олинган ва ўз маблағлари нисбати коэффициенти	3,8	2,0	> 1

Белгиланган тартибда меъёр даражасидан ошмайдиган кўрсаткичлар компаниянинг самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради.

Қуйидаги жадвал-2.12 да телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг 2011-2014 йиллар бўйича асосий кўрсаткичлари келтирилган. Ўрнатилган кенг полосали тармоқ портлари сифимининг ўсиши белгиланган лойиҳалар асосида йилдан йилга бажарилиб келинмоқда. Шаҳарлараро, халқаро, зонаичи алоқа каналлар узунлиги 2011 йилда 232,7 млн. канал км, 2012 йилда 276,2 млн. канал км ва 2013 йилда 381,3 млн. канал кмни, 2014 йилда эса энг юқори кўрсаткич билан 448,9 млн. канал кмни ташкил этди.

<sup>27</sup>“Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари<sup>28</sup>

№	Кўрсаткичлар Номи	Йиллар			
		2011	2012	2013	2014
1.	Ўрнатилган АТС, рақамлар сифими	1 987 586	1 966 454	1 994 452	2 024 834
2.	Рақамлаштириш даражаси,%	97,1	98,8	100	100
3.	Маҳаллий тармоққа ўрнатилган рақамли сифимлар ўсиши, рақам	-	11 514	27 998	30 382
4.	Ўрнатилган кенг поласали тармоқ портлари сифимининг ўсиши, порт	61 657	110 138	148 868	46 508
5.	Шаҳарлараро, халқаро, зонаичи алоқа каналлар узунлиги,млн. Каналкм:	232,7	276,2	381,3	448,9
6.	Улардан ташкил этилган оптик толали алоқа линияси	219,4	263,5	368,2	435,9
7.	Магистрал кабел алоқа линиялари, км	5 523,1	5 449,7	5 829,0	6171,699
8.	Жумладан, ОТАЛ, км	5 137,9	5 435,8	5 821,1	6171,699
9.	Магистрал алоқа линиялари орқали ташкил этилган каналлар узунлиги, минг. Канал км	216 869,9	259 258,8	366 837,4	431 908,2
10.	Жумладан, ОТАЛ, минг канал км	203 940,2	246 949,2	354 239,7	419 310,5
11.	Мобил алоқаси тармоқлари коммутация марказлари сони, бирлик	5	5	6	6
12.	Мобил алоқаси тармоғи коммутация марказлари умумий сифимининг рақамлар ўсиши	20 000	140 000	304 000	620 000
<b>13.</b>	<b>Республика аҳоли пунктлари қамраб олиш зонаси, %</b>	<b>58,1</b>	<b>71,3</b>	<b>71,4</b>	<b>74</b>

<sup>28</sup>“Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Улардан ташкил этилган оптик толали алоқа линияси ҳам йиллар мобайнида фақат ўсиш сурати билан ҳисобланган ва 2014 йилда 435,9 км деб ҳисобланди. Асосий кўрсаткичлардан бири сифатида Республика аҳоли пунктлари қамраб олиш зонасининг фоиз кўринишидаги кўрсаткичини ҳам келтириш мумкин ва 4 йил давомида бу кўрсаткич ўртача ҳисобда 20 фоизга ошган. Магистрал кабел алоқа линиялари 2011 йилда 5 523,1 км, улардан ташкил этилган оптик толали алоқа линияси 5 137,9 км, 2012 йилда 5 449,7 км, улардан ташкил этилган оптик толали алоқа линияси 5 435,85 км, 2013 йилда 5 829,0 км, улардан ташкил этилган оптик толали алоқа линияси 5 821,1 км ва 2014 йилда 6 171,699 км, улардан ташкил этилган оптик толали алоқа линияси 6 171,699 км деб ҳисобланган.

Магистрал алоқа линиялари орқали ташкил этилган каналлар узунлиги, мобил алоқаси тармоқлари коммутация марказлари сони, мобил алоқаси тармоғи коммутация марказлари умумий сифимининг рақамлар ўсиши кўрсаткичлари ҳам ўз навбатида 2011-2014 йиллар оралиғида ўсиш суратлари натижасини берган. Бу кўрсаткичларга эътибор қаратсак, 4 йил давомида фақатгина ўсиш кўрсаткичларини кўриш мумкин ва айтиш мумкинки, телекоммуникация тармоқларининг юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлари унинг ривожланиш даражасини белгилаб беради.

Кенг полосали юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишни ривожлантириш ва мавжуд тармоқларни захиралаш мақсадида канал ташкил этувчи ускуналарни ўрнатилиш учун 2000 км оптик толали алоқа линиялари қурилиши амалга оширилди, жумладан, бутун республика бўйича кўп қаватли турар жой биноларигача FTTB тармоғини ривожлантириш ишлари олиб борилди.

Демак, телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини таҳлили натижаси ижобий самара бермоқда ва бу келгусида режалаштирилган, белгиланган вазифалар доирасида амалга оширилиб келинмоқда.

2012 йилда амалга оширилган “Ўзбектелеком” АК маҳаллий телекоммуникация тармоқларини (NGN)"янги авлод технологиялари асосида ривожлантириш ва модернизациялаш лойиҳаси, 2015 йилдаги “Ўзбектелеком” АК магистрал тармоғини Ўзбекистон Республикаси туман марказларигача кенгайтириш ва ишончлилигини ошириш” ва “Ўзмоби́л” мобил алоқа оператори миллий тармоғини ташкил этиш” инвестиция лойиҳаларининг вилоятлар кесимидаги фаолиятларини таҳлили кўрсатилган. Ҳар бир лойиҳанинг мақсади ҳар хил ва шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда лойиҳалар бўйича ҳудудларда турлича вазифалар бажарилади.

“Ўзбектелеком” АК маҳаллий телекоммуникация тармоқларини (NGN)"янги авлод технологиялари асосида ривожлантириш ва модернизациялаш лойиҳаси асосида вилоятларга MSAN коммутацион қурилмаларни етказиб бериш ва ўрнатиш вазифаси амалга оширилган.

Бундан фарқли равишда, 2015 йилда амалга оширилган ва ҳозирда ҳам амалга оширилиб келинаётган инвестиция лойиҳалари бўйича вилоятлар бўйича ўрнатилган станциялар миқдори ва аниқланган объектлар миқдори таҳлил қилинган. Шунингдек, лойиҳа доирасида қайси ҳудудлар учун қанча маблағлар сарф этилганлиги ҳам ажратиб кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий ахборот коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ белгиланган вазифалар:

- кенг полосали алоқа тармоқларини кенгайтириш;
- Кенг полосали мобил алоқа тармоғини кенгайтириш;
- Маълумотлар узатиш коммутация марказларини кенгайтириш;
- Магистрал телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш;
- Миллий ахборот ресурслари ва маълумотлар базасини ривожлантириш учун мультимедия хизматлари ва инфратузилмасини яратиш (Илова-17).

## 2 боб бўйича хулоса

Магистрлик диссертациясининг 2 бобида “Ўзбектелеком” АКнинг морлиявий-хўжалик ва инвестиция фаолияти таҳлили келтирилган бўлиб, маълумотларга асосан бир қанча умумий хулосаларга келиш мумкин.

Компаниянинг асосий мақсад ва вазифалари Ўзбекистон аҳолиси учун қулай ва чексиз мулоқотлар имкониятини яратиш, уни кенгайтиришдан иборатдир. Унинг технологиялари мамлакатимизнинг исталган бурчагидаги инсонларга янги билим ва имкониятларни тақдим этишга йўналтирилган.

Телекоммуникациялар ва алоқа соҳасида юқори сифатли барча хизмат турларини тақдим этиб, истеъмолчига компания хизматларидан фойдаланишда фақат қулайлик ва шу билан бирга, шахсан ўзларига, қариндошлари ва яқинларига, шунингдек, ўз бизнесларига кўпроқ вақт ажратишларига имконият яратиш.

Компания алоқа операторлари тармоқларига тўғридан-тўғри халқаро чиқишларга эга бўлиб, чет эл операторлари трафик транзити бўйича халқаро операторлар ва компаниялар билан ўзаро ҳамкорлик қилади, деярли исталган сиғимда халқаро рақамли каналларни ижарага беради.

Бутун Ўзбекистон ҳудудида куннинг исталган вақтида аҳоли ва давлат тизимлари, идораларини энг замонавий ҳамда сифатли телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш “Ўзбектелеком” АК нинг асосий мақсади ҳисобланади.

Барча истеъмолчиларига бутун республика ҳудудларида шаҳарлараро, халқаро алоқа хизматларини тақдим этиш Компаниянинг иқтисодий фаолияти асоси ҳисобланади. Шу билан бирга, асосан анъанавий овози алоқа ва интернет тармоғига иланиш хизматлари билан бир вақтда Компания симли ва симсиз технологиялар бўйича маълумотлар узатиш замонавий хизматларини тақдим этади.

### **3 БОБ.. ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

#### **3.1. Инвестиция фаолиятининг иқтисодий механизмларини самарали қўллаш усуллари**

Иқтисодиётнинг инвестицияга бўлган талаби, инвестицияга йуналтириладиган маблағларнинг етишмаслиги инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишни тақазо этади. Чунки қўйилган капитал маблағидан самарали фойдаланиш натижасида кўпроқ фойда олиш мумкиндир. Халқаро капитал ҳаракатнинг иқтисодий самарасини кўрсатиш учун, капитал қўйилмалардан олинadиган фойда турли мамлакатларда турлича деган тасаввурдан келиб чиқиш зарур.

Капиталнинг халқаро ҳаракати (товарларнинг халқаро ҳаракати каби) ишлаб чиқариш омилларини самаралироқ қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланиш эвазига ялпи умумжаҳон ишлаб чиқаришини ўсишига олиб келади. Бунда, капитални экспорт қилувчи мамлакатдаги капитал эгаларининг даромади ўсади ва бошқа омиллар (айниқса меҳнат ва ер) эгалари даромади эса қисқаради. Капитални импорт қилувчи мамлакатдаги капитал эгаларининг даромадлари қисқаради ва ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари эгаларининг даромадлари эса ўсади.

Мамлакатларнинг халқаро капитал миграцияси (ХКМ) жараёнларида қатнашиши бир қатор кўрсаткичлар орқали намоён булади. Буларга капитал экспорти (импорти) ҳажми, капитал экспорти-импорти сальдоси, мамлакатдаги хорижий капиталли корхоналар сони, уларда банд бўлганлар сони ва бошқалар киради. Сальдодан келиб чиқиб, жаҳон хўжалиги мамлакатларини куйидагича гурухлаш мумкин:

- капитални экспорт қилувчи мамлакатлар (Япония, Швейцария);
- капитални импорт қилувчи мамлакатлар (АКШ, Буюк Британия);
- тахминий мувозанатдаги мамлакатлар (Германия, Франция).

Иқтисодий самарадорлик - инвестиция учун қўйилган капиталдан фойдаланилганлиги учун олинган фойда, даромад тушунилса, ижтимоий-иқтисодий самара эса инвестицияни ишлатишдан олинган фойдадан ташқари, кишиларнинг ҳаёти яхшиланиши, табиатни сақлаш, илмий техникавий тараққиётнинг ривожланиши ҳам тушунилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда “иқтисодий самара” ва “иқтисодий самарадорлик” атамаларига эътибор бериш лозимдир.

Иқтисодий самара - қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, иқтисодий самарадорлик эса олинган иқтисодий самара еки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабатни билдиради.

Иқтисодий самара бу қўйилма ҳисобига олинган даромаддан қўйилган капитал суммаси айирилиб топилади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$\mathcal{E} = D - K \quad (3.1)^{29}$$

бу ерда:

$\mathcal{E}$  - иқтисодий самара;

$D$  - қўйилган капиталдан даромад;

$K$  - қўйилган капитал суммаси.

Иқтисодий самарадорлик қўйилган инвестициядан олинган фойда, даромадни қўйилган капитал суммасига бўлиш орқали топилади:

$$\mathcal{E}_1 = \frac{If}{K} \quad (3.2)^{30}$$

бу ерда:

$\mathcal{E}_1$  - иқтисодий самарадорлик;

$If$  - инвестициядан фойда;

$K$  - қўйилган капитал.

---

<sup>29</sup> Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 166 б

<sup>30</sup> Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 166 б

Мамалакат иқтисодиёти миқёсида инвестициянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи мамалактда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдорини мамалакт миқёсида киритилган инвестици миқдорига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \frac{ЯММ}{K} \quad (3.3)^{31}$$

бу ерда:

$\mathcal{E}$  - иқтисодий самарадорлик;

$ЯММ$  -ялпи миллий даромад;

$K$ - ЯММни яратиш учун қўйилган капиталнинг суммаси.

Иқтисодий самара вақт функцияси ҳисобланиб, бошланишида у салбий кўринишда бўлади, чунки қўйилган капиталдан ҳали даромад олинмаган бўлади. Вақт утиши билан капитал кайтими булган сари даромад орта боради ва бу ижобий натижага эришилади, яъни қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капитал миқдоридан орта боради.

Қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капиталга тенглашади. Бу давр инвестицияни қоплаш даври деб аталади. Бу кўрсаткич иқтисоднинг ишлаб чиқариш соҳасига қўйилган капитал қўйилманинг самарадорлигини кўрсатади. Инвестицияни қоплаш даври кичик бизнес соҳасида 2-3 йил, узоқ муддатли қўйилмалар эса 10-15 йилгача давом этади. Капитал қўйилмаларни қоплаш даврининг нормативлари деган тушунча мавжуд булиб, бу иқтисодиёт тармоқларида қўйилган капитал қўйилмаларнинг қоплаш даврининг ўртача миқдори деб тушунилади. Ўрта ҳисобда инвестицияни қоплаш даври қилиб иқтисодиётда 6-8 йил деб қабул қилинган.

Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси инвестиция нормаси деб аталади. Бу қуйидаги формула асосида ҳисобланади;

---

<sup>31</sup> Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Х., Катгаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 166 б

$$ЯИН = \frac{ЯИС}{ЯММ} \times 100\% \quad (3.4)^{32}$$

бу ерда:

*ЯИН*- ялпи инвестиция нормаси;

*ЯИС*- ялпи инвестиция суммаси;

*ЯММ*- ялпи миллий даромад.

Самарадорлик куйидагича бўлиши мумкин:

- лойиҳанинг умумий самарадорлиги;
- лойиҳадаги иштирок самарадорлиги.

Лойиҳанинг умумий самарадорлиги иштирокчилар учун уларнинг манфаатдорлигини аниқлаш ва молиялаштириш манбаларини излаш мақсадида баҳоланади. Самарадорликнинг ушбу тури куйидагиларни ўз ичига олади:

- лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги;
- лойиҳанинг тижорат самарадорлиги.

Умуман олганда, лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичлари техник, технологик ва ташкилий лойиҳа қарорларини иқтисодий нуқтаи- назардан тавсифлайди.

Лойиҳадаги иштирок самарадорлиги инвестициявий лойиҳани амалга оширилиши ва барча иштирокчилар манфаатдорлигини аниқлаш мақсадида аниқланади.

Лойиҳадаги иштирок самарадорлиги куйидагиларни ўз ичига олади:

- корxonанинг лойиҳадаги иштироки самарадорлиги (иштирокчи-корxonалар учун инвестициявий лойиҳа самарадорлиги);
- корxона акцияларига инвестициялар кўйиш самарадорлиги (иштирокчи-акциядорлик корxonалар акциядорлари учун инвестициявий лойиҳа самарадорлиги);

---

<sup>32</sup> Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 166 б

- иқтисодийнинг айрим тармоқлари, молия-саноат гуруҳлари, уюшмалар ва холдинг тузилмалари учун – тармоқ самардорлиги;

Инвестициявий лойиҳа самардорлигини баҳолаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда умуман лойиҳанинг самардорлик кўрсаткичлари ҳисобланади. Ушбу босқичнинг мақсади – лойиҳавий қарорларнинг умумлаштирилган тарзда иқтисодий баҳолаш ва инвестор излаш учун зарур бўлган қулай шароитларни яратишдир. Баҳолашнинг иккинчи босқичи, молиялаштириш схемаси ишлаб чиқилгандан кейингина амалга оширилади. Ушбу босқичда иштирокчилар таркиби, уларнинг ҳар бирини молиявий иштироки ва самардорлиги аниқланади. даромад ва харажатларни таққослаш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, инвестициялаштириш ва уни молиялаштириш инвесторнинг талабига мувофиқ ўзгариб туриши мумкин.

Инвестициялаштиришдан олдинги ўрганиш жараёнини қуйидагиларга ажратилади:

- имкониятларни ўрганиб чиқиш;
- тайёрлов ёки лойиҳалаштиришдан олдинги изланиш;
- иқтисодий-техник изланиш.

Инвестициявий изланишнинг оралиқ фарқ даражалари доим шартли белгиланади. Инвестициялаштиришдан олдинги кузатиш ишларини олиб бориш учун капитал қўйилманинг умумий қийматидан 0,8%-5% гача ажратилади. Инвестициялашдан олдинги босқични муддатини аниқ белгилаш жуда мураккаб бўлиб бу лойиҳалаштиришга боғлиқ бўлади.

Лойиҳаларни инвестициялаш жараёни давомида корхона активлари яъни, ўз маблағлари шаклланиб боради. Шу билан бирга бошқа корхоналар билан маҳсулотлар етказиб бериш бўйича шартномалар тузилиб боради, ишчи хизматчиларни ишга қабул қилиш жараёни бошлаб юборилади. Инвестициядан фойдаланиш жараёнида лойиҳага қуйилган инвестициядан келган самардорлик белгиланади. Бу жараёнда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- ишлаб чиқарилган маҳсулотни сертификациялаш;
- брокер ва диллер алоқаларини ташкил қилиш;
- лойиҳани иқтисодий кўрсаткичлари мониторингини ўтказиш.

Ҳар қандай инвестицияни лойиҳалаштириш маълум бир даражадаги билим ва кўникмаларни талаб этади. Шу ўринда айтиш жоизки, ҳар қандай инвестицион лойиҳани самарадорлигини аниқлаш учун бу лойиҳани қандай фикр асосида тузилганига, унинг муддатига, инвестиция миқдорига ва инфляциянинг даражасига эътиборни қаратиш лозим. Бу билан биз инвестиция жараёнида учрайдиган бир қанча муаммоларни олдини олган бўламиз.

### 3.2. “Ўзбектелеком” АҚда инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишда хорижий тажрибадан фойдаланиш

Сўнгги йилларда кузатилган ва ҳали бери давом этиб келаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози глобал иқтисодиётнинг аксарият тармоқларини қамраб олиши билан биргаликда инвестициялар оқимида ҳам сезиларли даражада ўз салбий таъсирини кўрсатади. Ўз навбатида инвестициялар оқимининг пасайиши уларни молиялаштириш манбаларининг қисқариши билан бирга жаҳон иқтисодиётидаги беқарорлик ва инвестицион рискларнинг бирмунча ошиши билан изоҳланади.

Инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишда ривожланган саноатлашган мамлакатларда инвестиция сиёсатини амалга оширишда қуйидаги учта йўналишга алоҳида эътибор билан қаралади:

- импорт ўрнини босиш стратегиясини ривожлантириш;
- таянч тармоқлар ва экспорт салоҳиятининг мустаҳкамлаш;
- илмталаб соҳалар ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш.

Айниқса, эътиборли жиҳат Корея Республикасининг инвестиция стратегиясида намоён бўлади. Ушбу мамлакат хорижий инвестициялардан

самарали фойдаланишда шундай сиёсат олиб борганки, бунда Жанубий Кореяга бошқа ривожланган мамлакатлардан, хусусан АҚШ ва Япониядан инвестициялар жалб қилишда улардаги самарали менежмент услублари ва ишлаб чиқариш технологиясини ўзига тадбиқ қилишга интиланган.

Малайзиянинг инвестиция сиёсатида эса устувор жихат инвестицияларни қайта ишлаш саноатига йўналтириш бўлиб ҳисобланади. Ушбу мамлакатда инвестицияларни илмталаб ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш соҳаларига, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари, нанотехнологиялар, юқори малакали хизматлар каби соҳаларга йўналтирилмоқда. Хусусий секторнинг ўзида инвестицияларнинг йиллик ўртача ўсиши 11-12 фоизни ташкил этмоқда. Уларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги салмоғи 50 фоиздан ортиқ бўлиб, сўнгги беш йил мобайнида хусусий инвестицияларнинг умумий миқдори 95 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган.

Малайзияда Саноатни ривожлантиришнинг бош режасига асосан инвестициялар соҳасида қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- инвестицияларни жалб этиш орқали юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва илғор технологик тармоқларни ривожлантириш;
- саноатнинг устувор тармоқлари ривожланишига кўмаклашиш;
- саноатга илғор технологияларни, жумладан, биотехнологиялар, нанотехнологиялар, симсиз узатиш технологиялари, микро электромеханик тизимлари, лазер технологияларини тадбиқ этишни янада кенгайтириш;
- саноатнинг ўсишида меҳнат унумдорлиги омилининг ролини ошириш;
- миллий саноатнинг халқаро меҳнат тақсимооти тизимиغا интеграциялашувини чуқурлаштириш;

- илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини янада ривожлантириш ва уларни саноатга татдиқ этишни давлат томонидан қўллаб- қувватлаш;

- иқтисодий салоҳият ва рақобатдошликни мустаҳкамлаш мақсадида стратегик ҳамкорлик ва марказлашувни рағбатлантириш.

Шу билан бирга, Малайзияда инвестицион жозибадорликни ошириш мақсадида турли солиқ имтиёзлари жорий қилинган бўлиб, бунда инвестиция натижасида олинган фойданинг фақат 30 фоизи дастлабки 5 йил давомида солиққа тортилади. Айниқса, худудларнинг ривожланишини қўллаб- қувватлаш йўналишида нисбатан яхши ривожланмаган штатларда фаолият кўрсатувчи инвесторлар фойда солиғидан дастлабки 5 йил давомида тўлиқ озод қилинади.

Японияда ҳам инвестиция сиёсатининг устивор йўналиши юксак технологияларга асосланган ва ресурс тежовчи ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган. Умуман олганда, Япониянинг ривожланиши айнан илмталаб соҳаларнинг ривожлантирилиши ҳамда самарали ишлаб чиқариш техникаларининг татбиқ этилишига таянади.

Япониянинг дастлабки ривожланиш даври тажрибаси шуни кўрсатдики, нафақат янгилик яратиш учун капитал зарур, балки капиталдан фойдаланиш учун ҳам янгилик зарур бўлади. Ушбу иккала йўналиш бир-бири билан узвий боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тўлдириб туради. Бу ҳолат шундай изоҳланади, яъни янгилик яратиш учун муайян капитал зарур бўлса, мавжуд капиталдан самарали фойдаланиш учун янгилик киритилиши тақозо қилинади.

Тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётидаги яна бир аҳамиятли жиҳат инвестиция жараёнида йирик трансмиллий компанияларнинг фаол иштироки, молия бозорининг юқори ривожланганлиги, хусусан, қимматли қоғозлар муомаласининг кенг тарқалганлиги, турли жамғармаларнинг инвестиция фаолиятига жалб қилиш механизмининг юқори даражада таркиб топганлиги билан ажралиб туради.

Ривожланган мамлакатлар инвестиция фаолиятида бой тажриба тўпланган бўлиб, ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш инвестициялаш амалиётини такомиллаштириш ва инвестицияларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради. Бу борада бир қатор ривожланган мамлакатларда инвестиция меъёрининг нисбатан юқори ва барқарор даражасига эришилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Айрим чет эл мамлакатларидаги инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари мамлакатимизга тадбиқ қилиш муайян ижобий натижаларни бермасдан қолмайди. Айниқса, Корея Республикаси инвестиция сиёсатининг тажрибаси ўзининг аҳамиятлилиги билан ажралиб туради. Бу борада мамлакатимизда ҳам инвестиция сиёсатининг муҳим устиворликларидан бири айнан хорижий инвестицияларни жалб қилишда узоқ муддатли лойиҳалар асосида илғор техника ва технологиялар киритишга қаратилган. Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, “Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда.”<sup>33</sup>

Шу билан бирга, инвестициялардан самарали фойдаланишда бир қатор ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан танишганда, инвестициялар асосан илғор технологияларни жорий этиш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, ресурс тежовчи ва экологик талофати кам бўлган, меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилувчи соҳаларга йўналтирилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Мамлакатлар даражасида иқтисодий ривожланиш характери соф инвестициялар кўрсаткичлари динамикасини қайтаради. Аниқ маълум

---

<sup>33</sup>4Каримов И.А. "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари"//Т.:Ўзбекистон, 2009, 9-бет.

конуниятга асосланади. Агар соф инвестициялар йиғиндиси маълум давр ичида манфий катталиқни ташкил этса, бу, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциали йиқилаётганлигини, маҳсулот чиқариш ҳажмини пасаяётганлигини билдиради. Агар соф инвестициялар йиғиндиси нолни ифодаласа, демак, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциали ўзгармасдан қолади. Соф инвестицияларнинг мусбат катталиқга эгаллиги шуни англатадики, иқтисодиёт ривожланиш босқичида, шунинг учун, қайта ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали унинг ишлаб чиқариш потенциали таъминланади.

Шунинг учун бутун дунё иқтисодчилари инвестицион жараёнларни ўрганишмоқда, инвестицион потенциални ва дунё мамлакатларига киритиш имкониятларини аниқлашмоқда. Ҳар йили ўтказиладиган, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар рейтингги мавжуд.

Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар бу мамлакат ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда хориж капиталини қатнашиш шакли, яъни, фойда олиш мақсадидаги ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа тижорат корхоналарида хориж инвесторлари ўзларининг узок муддатли капитал маблағларини тақдим этиши. Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) методологиясида ҳар йили тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ҳисоблаб чиқилади, халқаро даражада хорижий инвестициялар тўғридан тўғри хорижий инвестициялар бўлиб ҳисобланиши мумкин, қачонки, агар улар мамлакат ҳудудида тижорат ташкилотларининг устав капиталида хориж инвесторларининг 10%дан кам бўлмаган улушга эга бўлиши кўзда тутса ва инвесторларга (ёки уни вакилига) инвесторланаётган корхонага стратегик таъсир этиш, уларнинг устидан тўлиқ ёки қисман назорат қилиш рухсати берилса. Бироқ, амалиётда, айрим мамлакатларда инвестицияланаётган корхонанинг устав капиталида 10% улуш, инвесторларнинг узок вақтдаги манфаатлари демонстрацияси ва бошқариш устидан самарали назорат ўрнатишлари учун етарли эмас деб ҳисобланади. Шундай қилиб, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар умуман олганда

етарлича йирик ва узоқ муддатли бўлиши шарт, негаки, хориж инвесторларига инвестицияланаётган корхоналарнинг бошқаруви устидан самарали назоратни ўрнатишга рухсат берилади ва ушбу корхонанинг ривожланишида, муваффақиятли ҳаракат қилишида уни узоқ вақт манфаатдорлиги таъминланади. Бунда капитал маблағнинг узоқ муддати тўғридан тўғри хорижий инвестициялар доирасида чекланган ва бозор шароитида импортёр мамлакатлар учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг имкониятлари кучаяди. Кўп мамлакатларда хорижий капитал иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг реализацияси қонуний амалга оширилади, ижроия ҳокимияти тизимида эса, қоидага кўра, инвестиция соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича давлат органи масъулдир.

### Жадвал-3.1

#### Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича ҳудудлар ва мамлакатлар рейтингини<sup>34</sup>

<b>World Development Indicators: Foreign Direct Investment 2014.</b>		
<b>Ўрни</b>	<b>Давлатлар</b>	<b>Ўлчами (\$)</b>
1	<b>Хитой</b>	347 848 740 397
2	<b>Америка Қўшма Штатлари</b>	294 971 000 000
3	<u>Гонконг</u>	76 638 677 437
4	<u>Россия</u>	70 653 718 709
5	<u>Канада</u>	67 581 373 072
6	<u>Сингапур</u>	63 772 316 791
7	<u>Австралия</u>	51 966 834 047
8	<u>Германия</u>	51 266 993 711
9	<u>Ирландия</u>	49 960 134 752
10	<b>Буюк Британия</b>	48 314 454 024

Халқаро инвестиция жараёнлари интенсив ривожланишини асосий рағбатлантирувчи омили, янги бозорларда фаолиятни кенгайтириш, ишлаб чиқариш рационализацияси, харажатларни камайтириш, рискларни

<sup>34</sup><http://gtmarket.ru/countries/united-kingdom/united-kingdom-info>

диверсификация қилиш ва ҳар хил давлатлар иқтисодиётидаги стратегик активлар ва ресурсларни олиш ёрдамида йирик бизнес халқаро даражада ўзининг рақобатбардошлигини ошириши зарурлиги ҳисобланади. Ҳозирги вақтда тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг субъектлари халқаро компаниялар ва молиявий гуруҳлар ҳисобланади.<sup>35</sup>

Ушбу тадқиқотнинг асосий манбалари Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) “Balance of Payments Statistics” даврий статистик ҳисобот сериялари, “World Investment Report” ҳар йиллик маъруза сериялари, савдо ва ривожланиш бўйича Бирлашган Миллатлар ташкилотларининг конференциялари ҳамда миллий статистик институтларнинг ҳар йиллик иқтисодий ҳисоботлари ҳисобланади. Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар даражаси бўйича мамлакатлар ва ҳудудлар рейтингда 196 мамлакат кўрсатилган, улардан 12 таси тўғридан тўғри хорижий инвестицияларда салбий ўлчамда келтирилган. Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларда энг кўп ўлчамдаги ТОП-10 мамлакатларни аниқлаймиз.(жадвал-3.1)

Шундай қилиб, ТОП10 га Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Россия, Канада, Сингапур, Австралия, Германия, Ирландия ва Буюк Британия мамлакатлари киритилган. Биринчи ва ўнинчи ўриннинг орасидаги фарқ 86%дан юқорини ташкил этади.

Ушбу статистика мамлакат ҳудудида қайси мамлакатлар инвестицион лойиҳаларга ўзларининг ресурсларини қўйишаётганлигини аниқлашга ёдам беради. Бироқ ҳозирги кунда инвесторлар учун муҳим иқтисодиёт соҳасини аниқлаш ҳам аҳамиятлидир. Яъни инвестиция жараёнларининг хорижий ривожланиш тенденцияларини аниқлаш зарурияти мавжуд.

Тармоқ ости тузилишидаги инвестициялар иқтисодиётда ҳамда қишлоқ ҳўжалигининг барча тармоқлари ўртасида маблағларни тақсимлаш тушунилади. Лекин амалиётда, даромад олишни тезлаштиришда,

---

<sup>35</sup> <http://gtmarket.ru/research/foreign-direct-investment-index/info>

соҳаларни кўрсатишда қўлланилади. Иқтисодиётнинг бундай қисмларига биринчи навбатда қўйилмалар киритилади.

Сўнгги пайтларда кўпчилик инвесторларнинг диққатини ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси жалб этди. Венчур инвесторлари ўз сармояларини узоқ муддатли илмий изланишлар, кўп йиллик тажриба ва тадқиқотлар талаб этадиган соҳага қўйишмайди, чунки инвесторлар рискга эга бўлган лойиҳаларга тикилган маблағлардан тез натижа ва кўп фойда олиш мумкин деб ҳисоблашади. АКТ соҳаси айнан шундай соҳа ҳисобланадики, унда узоқ муддат илмий изланишлар талаб этилмасдан инновацион ғояларни тезда намоён этиш мумкин.

### Жадвал-3.2

#### Ахборот коммуникация технологияларининг асосий соҳалари<sup>36</sup>

№	АКТ соҳалари	Асосий сегментлар
1.	Ахборот технологиялари соҳаси	Аппарат таъминоти соҳаси
		Дастурий таъминот соҳаси
		ИТ- хизмат соҳаси
		Дастурий таъминот ва қурилмаларни реализация қилиш соҳаси
2.	Телекоммуникациялар соҳаси	Телекоммуникация хизматлари соҳаси
		Телекоммуникация қурилмалари соҳаси
3.	Интернет технологиялари	Сервислар
		Интернет хизматлари
		Тармоққа оид дастурий таъминот

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг ривожланиши ҳар қандай иқтисодиётнинг модернизациялашган стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади ва инвестициялар, ҳар қандай мамлакатнинг узоқ муддатли истиқболлини, стратегик имкониятини кучайтиришда, технологик инфратузилмани ривожлантиришда ёрдам беради. АКТни аниқлашда унинг 3 асосий соҳаларини кўриб чиқиш мақсада мувофиқ саналади:

#### 1. Ахборот технологиялари соҳаси

<sup>36</sup> <http://gtmarket.ru/countries/united-kingdom/united-kingdom-info>

## 2. Телекоммуникациялар соҳаси

## 3. Интернет технологиялари

Лекин ҳар бир соҳани ҳам маълум сегментларга ажратиш мумкин (жадвал-3.2). Инвесторлар АКТнинг интенсив ривожланиб келаётган ҳар бир соҳасига қизиқадилар. Шунга кўра, АКТнинг алоҳида йўналишларини ҳам аниқлаш мумкин. Жаҳон тенденцияларига кўра АКТ соҳасини 5та асосий истиқболли йўналишларга ажратиш мумкин.

Prostor Capital директори Станислава Косорукогонинг сўзларига кўра, яқин 2 йил ичида юқори технологиялар бозорида инвестициялар оқими кутилмоқда, айниқса ушбу сегментларда<sup>37</sup>:

- мобил технологиялар;
- реклама технологиялари;
- рақамли тиббиёт;
- масофавий тўловлар;
- криптовалюталар.

Мобил технология ва сервисларга бўлган қизиқишлар, уларнинг биринчи пайдо бўлган даврига қараганда фақат ошиб бормоқда ва ушбу бозор сегментининг потенциали ҳали тугатилмаган. Бугунги кунда мобил сервислар фойдаланувчиларга, ўзларининг асосий ишларидан узоқлашмасдан туриб офис ва уйларига харидлар ва буюртмаларни етказиб бериш имкониятини бермоқда. Шу вақтнинг ўзида, миллионлаб дастурчилар эҳтиёжларни смартфонлар ёрдамида қондиришда фойдаланиладиган янги иловаларни ишлаб чиқмоқдалар. Мобил телефон яқин ўтган даврда инсонлар ўртасидаги алоқа воситаси эди, мобил интернет ва смартфон тарқалиши билан, кўпчилик инсонлар ташқи дунё билан замонавий коммуникация орқали алоқа ўрнатишни бошладилар. Смартфон нафақат керакли инсон билан алоқада ёрдам беради, балки анча вақтни тежайди, қисқа муддат ичида:

---

<sup>37</sup> MBA Consult. URL: <http://blog.mbaconsult.ru>

- тақдим этилаётган хизматлар сифати ва нархлар даражаси бўйича корхона фойдаланувчисига зарур маълумотларни топишга;
- керакли товар сотиб олиш ва буюртмаларни етказиб беришга;
- ҳар қандай ҳисобдан тўлашга;
- белгиланган жойларга энг қисқа босиб ўтиладиган йўллارни аниқлашга;
- товарлар, хизматлар, жойлар тўғрисида ҳар қандай маълумотларни олишга ёрдам беради.

Мобил технологиялар соҳасида венчурли молиялаштириш 2014 йилда 2010дагига нисбатан икки мартага ошди. Бунда мобил технологияларни кенг молиялаштириш АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Бразилия, Хитой ва Ҳиндистон каби 6 та мамлакатларда амлга оширилган. Мобил технологиялар ва сервислар соҳасидаги инвестициялар оқими яқин бир неча йиллар ичида фақатгина ошиши кутилмоқда.

АКТнинг ривожланиши мамлакатнинг рақобатдошлик даражасига таъсир кўрсатиши, катта ҳажмда ахборот тўплаш ва уни умумлаштириш имконини бериши, бошқаришни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар очиб беришини унутмаслигимиз зарур.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 5,5 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда. Нуфузли халқаро экспертларнинг фикрига кўра, 2020 йилда бу кўрсаткич 9 фоиздан ошади. Масалан, Корея Республикасининг ялпи ички маҳсулотида ахборот-коммуникация технологияларининг улуши 11,8 фоиздан зиёдни, Швецияда 7 фоизни, Америка Қўшма Штатларида эса 6,8 фоизни ташкил этади. Сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг мазкур тармоғи жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганига қарамасдан, ҳозирги вақтда биз бу борада дастлабки босқичда турганимизни тан олишимиз даркор. Яъни, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг атиги 2 фоизга яқини АКТ ҳиссасига тўғри келмоқда.

### 3.3. "Ўзбектелеком" АК инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш йўллари

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устивор тармоқларини ривожлантириш учун инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва шу билан бир қаторда, хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устивор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан ўз ўрнида самарали фойдаланишга қаратилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётида чет эл инвестицияларини жалб этиш ва уларни молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида тўғри йўналтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини жорий этиш ва инвестицион муҳитни янада яхшилаш иқтисодий ривожланиш соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида алоқа соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантиришни янада такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсияларни кетма-кетлигини амалга ошириш тавсия қилинади:

1. Кадрлар сиёсатини янада такомиллаштириш. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласида "Ўзбектелеком" АК да олиб борилган кадрлар сиёсати муҳим амалий аҳамият касб этади

2. Инвестиция фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида ахборот коммуникация технологиялари жалб қилинган инвестицияларнинг, айниқса ички инвестицияларнинг муҳимлигига янада эътибор қаратиш. Яъни компания миқёсида олиб борилаётган барча фаолиятлар доирасида ички инвестицияларни янада такомиллаштириш;

3. Маркетинг сиёсатини инвестицион фаолият соҳасида кенгайтириш.

4. Қонуний томондан хорижий сармоядорлар ҳуқуқини эркинлаштириш, яъни сармоядорларнинг ҳуқуқий дастурини, имтиёзларни аниқ белгилаб бериш ва шу билан биргаликда ўз фойдасини бемалол тақсимлай олиш ҳуқуқини яратиб бериш. Бунинг натижасида хорижий инвесторларнинг ҳуқуқий кафолатлари белгиланади;

5. Импортёр давлатнинг бир қатор қулайликлари ва иқтисодийнинг тузилмавий қайта қурилишини таъминловчи тармоқ корхоналарига хорижий сармоя киритишнинг хусусиятларини белгилаб беришни таъминлаш;

6. Маълум даражада лойиҳа фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳосил бўладиган муаммоларни ечишда инвестицион банкларнинг қатнашуви асосида, лекин бунинг учун банк тизимининг қолдирилган ишларининг зарурлиги, ишончли ва бақувват банклар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий Банкнинг оқилона ечим қабул қилиш чора тадбирларини амалга ошириш.

7. “Ўзбектелеком” АК хизматларидан фойдаланувчилар сонини кўпайтириш мақсадида хориж инвестициясини жалб этиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш. Чет эл инвесторларини хизматлар сифатини такомиллаштириш ва уларнинг тезкорлигини ошириш йўли орқали қизиқтириш;

8. Давлатнинг ижтимоий вазифаларини бажариш орқали, яъни ижтимоий инфратузилмаларига телефон ва интернет хизматларини кўрсатиш орқали давлат томонидан турли имтиёзларга эга бўлишни таъминлаш.

9. “Ўзбектелеком” АК хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича амалий ишларни олиб бориш. Қўшимча баъзи хизматлар кўрсатиш орқали фойдаланувчиларнинг эътиборини қозона олиш ҳамда шу йўл билан истеъмолчилар сонини янада ошириш;

10. Тошкент шаҳрида мавжуд кучли рақобат муҳитини ҳисобга олган ҳолда замонавий интернет хизматларини кўрсатишни таъминлаш мақсадида технологик жараёнларни янгилаш учун инвестиция сиёсатини устувор йўналишларини аниқлаш.

11. Мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи операторлар ҳам интернет хизматларини кўрсатиш жараёнидан фаол иштирок этаётганлигини ҳисобга олган ҳолда вилоятларда ҳам барқарор бозор улушига эга бўлишини таъминлаш чора тadbирларини ишлаб чиқиш. Бунинг учун филиаллар фаолият жараёнлари билан узлуксиз алоқада бўлиб туриш лозим;

14. “Ўзбектелеком” АК тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда кенг полосали абонент тармоқларини тараққий эттириш лозим.

Компаниянинг мазкур 2016 йил бизнес режасида кўзланган стратегияси:

- телекоммуникация хизматлари бозорининг барча сегментларида етакчи ўринларга чиқиш ва мобил алоқа хизматлари бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаш;

- даромадлар ўсиш суръатини 20 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси вилоят ва туман марказларига қадар магистрал тармоқларни кенгайтириш ва захиралаш;

- замонавий оптик-толали узатиш тизимидан фойдаланган ҳолда магистрал, зона ичи ва маҳаллий телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш;

- FTTx технологияси негизида абонентларга кенг полосали уланиш имконини яратиш бўйича оптик-толали алоқа линияларини қуриш ва қурилмаларни ўрнатиш;

- кенг полосали хизматларга уланиш сегментидаги юқори даражали ривожланиш динамикасини таъминлаш ва янги абонентларни жалб этиш;

- мобил алоқа тармоғини республика миқёсида кенгайтириш бўйича ишларни давом этириш ва абонентлар сонини ошириш;

Ушбу стратегик мақсадларга эришиш учун Компания ўз олдига бир канча чора-тадбирларни амалга оширилиши белгилаб қўйган. “Ўзбекителеком”АК бўйича даромадлар режасини ўтган 2015 йилга нисбатан ўсиш суръатини 20 фоизга етказиш мақсадида, ишлаб чиқариш самарадорлигини, кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ҳажмини янада ошириш, маҳаллий телекоммуникация тармоқларида линия кабел хўжалигини техник меъёрга келтириш, телекоммуникация қурилмаларни узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлаш бўйича дизел генераторлар ва муқобил электр таъминоти қурилмалари ўрнатиш, замонавий хизматлар (IPTV, IP-телефония/видеотелефония ва бошқалар) ривожлантириш бўйича уй ва ҳонадонларгача оптик-толлалар алоқа линияларини қуриш ишларини давом этириш режалаштирилган.

Шу билан бирга ҳозирги кунда янада катта талабга эга бўлган маълумотлар узатиш бўйича замонавий хизматлар ва мобил алоқаси хизматларини ривожлантириш мақсадида Компаниянинг кенг поласали маълумотлар узатиш тармоқларини FTTx технологияси негизда ривожлантириш, мобил алоқа (GSM/CDMA) тармоғини республика миқёсида янада кенгайтириш ва модернизациялаш кўзда тутилган.

Компаниянинг тариф сиёсатида янги истеъмолчиларни жалб этиш ва телекоммуникация хизматлардан фойдаланаётган доимий истеъмолчилар билан ўзаро манфаат асосидаги муносабатларни мустаҳкамлаш чоралари амалга оширилиши режалаштирилган.

“Ўзбектелеком”АК экспорт салоҳиятини ошириш йўналиши бўйича Компания томонидан хорижий операторларга кўрсатилаётган халқаро телекоммуникация хизматлар ҳажмини кўпайтириш билан бир қаторда, улардан олинадиган даромадлар миқдорини ошириш режалаштирилган. Жумладан:

- кўшни давлатлар операторлари билан мавжуд халқаро ўтиш нуқталарининг ўтказувчанлик қувватини янада ошириш ва уларни захиралаш орқали Ўзбекистон Республикаси орқали ўтадиган халқаро транзит каналлари сони ва хажмини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ, Компания телекоммуникация тармоқларига инвестиция лойиҳаларининг жорий этилиши, 2016 йилдаги барқарор ривожланишнинг муҳим шартларидан бўлган, устувор йўналишларнинг амалга оширилиши ҳисобланади ва бу борада қуйидаги лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган:

- “Ўзмобиайл” филиали негизида мобил алоқаси миллий операторини республика миқёсида кенгайтириш лойиҳаси Республиканинг барча вилоятлари миқёсида 2G, 3G ва 4G технологиясидаги 3705 та база станцияларини ўрнатиш орқали 6,5 млн. рақамга тенг коммутация қурилмалари ўрнатиш режалаштирилган.

- Интернет абонентлари сони 451 минггага, шундан, xDSL абонентлар сонини 340 мингга, FTTx абонентлари сонини 111 мингга, IPTV абонентлари сонини 52 мингга етказиш мақсад қилиб олинган.

2016 йилда мобил алоқа хизмати абонентлари сони 438 мингтадан 1010 мингтагача етказилиши кўзда тутилган.

“Ўзбектелеком”АКнинг 2015 йил Бизнес-режасида инобатга олинган вазифалардан келиб чиқиб, асосий кўрсаткичларнинг эришилишида Ҳукумат томонидан белгиланган иқтисодий дастурларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлашни таъминлаш муҳим омил қилиб олинган.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

### 3 боб бўйича хулоса

Магистрлик диссертациясининг иккинчи бобида компаниянинг умумий ва инвестиция фаолиятининг натижалари, иқтисодий самара ва самарадорлик тушунчалари ҳамда келгусидаги истиқболли режалари таснифи келтирилган.

Республикамик мустақилликка эришгандан сўнг миллий иқтисодиётни ривожлантиришни таъминлаш имконини берувчи инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кенг аҳамият берилди. Иқтисодиётнинг устувор соҳаларига хорижий инвестиция ва кредитларини жалб қилиш ишлари жадаллаштириб юборилди. Шу ўринда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш, уларни таҳлил қилиш долзарб масалалардан бирига айланди. Чунки инвестиция фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва пухта таҳлил этиш уларнинг муваффақиятли амалга оширилишини кафолатлайди.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айти пайтда глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда

Телекоммуникация хизматлари бозорида “Ўзбектелеком” АК истеъмолчиларининг истиқболдаги талабларидан келиб чиққан ҳолда инвестиция фаолиятини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мавжуд хизматлар ёки технологик жараёнларни ривожлантиришда истеъмолчиларнинг келгуси талабларини инобатга олиш лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида телекоммуникация ва маълумот узатиш соҳаси бўйича миллий операторнинг инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

## ХУЛОСА

“Ўзбектелеком” АК телекоммуникация хизматлари самарадорлигини ошириш ҳамда инвестиция фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб боришда диссертация ишида келтирилган таклифлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳозирги кунда телекоммуникация хизматлари бозорининг кенгайиши, янги хизмат турларининг жорий этилиши, мавжуд хизмат турларининг ҳажмини ошириш, Ўзбекистон бозорига хорижий телекоммуникация хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг кириб келиши, айрим хизмат турлари бўйича ички бозорда рақобатчилик ҳолатининг юзага келиши шароитида иш юритиш телекоммуникация корхоналари учун кўрсатилаётган хизматларни бевосита истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда мустаҳкам бозор сегментига эга бўлишда инвестиция фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда, саноат корхоналарини кенг миқёсда ислоҳ этиш, энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, уларда илғор илм-фан ютуқлари ва инновация технологияларини жадал тадбиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш ва шу орқали мамлакатимиз саноат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, бозор конъюктураси ўзгаришларига боғлиқлигини камайтириш келгусида инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда кенг имконият яратиб беради.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, “Ўзбектелеком” АК нинг ўз фаолияти доирасида амалга ошираётган ишлари, бажараётган вазифаларини кўриб чиқиш, унинг инвестиция фаолияти ҳолатини таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этади. Яъни компаниянинг фаолияти жараёнида олиб борилаётган инвестиция лойиҳалари, унинг барқарор ривожланишида муҳим рол ўйнайди.

Компаниянинг инвестиция фаолияти “Ўзбектелеком” АК олдида турган, савдо бозорларини кенгайтириш ва мавжуд телекоммуникация

хизматлари бозорида рақобатбардошлик ҳолатини мустаҳкамлашга йўналтирилган асосий вазифаларни кечиктирмасдан амалга оширилишини тақозо этади.

Диссертация ишини бажаришда алоқа корхоналарининг инвестиция фаолиятини ривожлантириш ҳамда корхонанинг инвестицион жалб килувчанлигини ошириш бўйича бир қанча хулосалар келтирилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кенг полосали уланиш (КПУ) тармоқлари ва турли ахборот ресурсларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2013 йилда тасдиқланган “2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастури” кенг полосали уланишни ривожлантиришга навбатдаги туртки бўлди. Мазкур дастур доирасида магистрал шаҳарлараро ва вилоят ички тармоқларида транспорт тармоқларини кенгайтириш бўйича ишлар амалга оширилди, бутун республика бўйича оптик толали алоқа линиялари қурилди, мобил кенг полосали уланишни ривожлантириш учун 2000 дан ортиқ базавий станциялар ўрнатилди.

Мобил КПУ фойдаланувчилари сони қайд этилган КПУ абонентларига нисбатан анча кўплигини ҳисобга олиб, асосий вазифаларидан бири тақдим этилаётган мобил интернетни сифатини таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг қатор мобил алоқа операторлари Тошкент шаҳрида 4G LTE тўртинчи авлод мобил алоқа технологиясини жорий эта бошладилар, бунда уланиш тезлиги 100 Мб/с гача етказилиши мумкин. Бутун республика бўйича мазкур технологиянинг қамраб олиш ҳудудини босқичма босқич кенгайтириш режалаштирилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистоннинг 10дан ортиқ телекоммуникация операторлари кўп қаватли уйлар ва биноларда FTТх архитектураси асосида, оптик толали уланиш ёрдамида кенг полосали уланиш технологиясини фаол жорий этмоқдалар. Бу

технология мультимедия хизматларининг кенг турларини олиш имконини беради.

Ушбу кўрсаткичлар барчани қониқтиради деб айтиб бўлмайди. Шу сабабли телекоммуникация хизматлари бозори операторлари томонидан минтакаларда кенг полосали уланиш портларининг кенгайтирилиши бўйича ишлар олиб борилмоқда. Мазкур жараён Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилда тасдиқланган 2015-2019 йилларда ахборот коммуникация технологияларини манзилли ривожлантириш дастурига мувофиқ амалга оширилмоқда. Дастур ўзида умумий суммаси 883,7 млн доллардан иборат 9та йирик инвестиция лойиҳаларини жамлаган, улар орасида қуйидаги лойиҳалар мавжуд:

- мобил алоқа тармоқларини, хусусан, HSPA+, 4G LTE технологияларини ривожлантириш;
- қайд этилган ва симсиз кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш;
- маълумотлар узатиш магистрал ва мултисервис тармоқларини кенгайтириш, оптик толали алоқа линияларини куриш;
- мультимедия хизматларининг янги турларини жорий этиш ва контентни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида қуйидагилар кўзда тутилган:

- қайд этилган кенг полосали уланиш портлари сонини 2,2 марта ошириш;
- маълумотлар узатиш тезлигини 20марта ошириш;
- 20дан ортиқ янги хизмат турларини жорий этиш, жумладан, IP-телевидения, IP-телефония ва бошқа хизматларни янада ривожлантириш.

Умуман олганда, мамлакатимизда телекоммуникация инфраструктурасининг ҳозирги ҳолатини таҳлили қилиш муҳим аҳамиятга эга.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни. 1992 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 24.12.1998й. 719-1-сон
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 165-сонли “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қарори. 1997 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида”ги Қонуни 9.08.1996й. 263-1-сон
6. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни 30.04.1998й. 609-1-сон
7. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни 30.04.1998й. 611-1-сон

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари**

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони 11.04.2005й. ПФ-3594-сон Фармони
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2000 йил. 458-сон
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳаларни ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни

рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2008 йил. ПФ-916-сон

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чор-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор 01.05.2006й. 74-сон

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Истиқболли инвестиция таклифларини келишиш механизмини ҳамда хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 04.08.2014 йил 215-сон

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузалари ва асарлари**

13. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 270 бет. 1995 йил.

14. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: - “Ўзбекистон”, 276 бет. 1997 йил.

15. И.А.Каримов. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. // Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабр.

16. И.А.Каримов. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш - олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2007 йил.

17. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Ўзбекистон”, 58 бет. 2008 йил.

18. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари //Т: Ўзбекистон, 56 бет. 2009 йил.

19. И.А.Каримовнинг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган

иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014 йил 20 январь.

### **Асосий қўлланма ва адабиётлар**

20. “Ўзбектелеком” АКнинг 2011-2015 йиллар учун молиявий ва статистик маълумотлари.

21. Н.Ф. Каримов ва Р.Х. Хожиматов.: Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2011. -801 б.

22. Ш.Файзиев, Р.Дўсмуратов, А.Авлоқулов: Инвестициялар аудити ва баҳолаш. Ўқув қўлланма./ -Т.: ТМИ, 2006. 112 бет.

23. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминов: Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма.Т.: молия 2010. 330 бет

24. Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 166 б.

25. Е.А.Голубецкая и др. Экономика связи. М. РиС 2006 год.

26. Т.Т.Жўраев Иқтисодий ресурслар доиравий айланиш жараёнининг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш омиллари. Тошкент, “Иқтисод-молия” 2006 йил.

27. Статистический сборник о деятельности администраций связи за 2007 г. Исполнительный Комитет РСС. М.: 2007 год.

28. Ю.А Корчагин, статья «Инвестиции и инвестиционный процесс», ЦИРЭ, Воронеж, 2009 год

### **Монография ва авторефератлар**

29. А.Н.Арипов, Т.К.Иминов «Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари» Монография -Т.: “Фан ва технология”, 2005 йил.

30. Х.А.Мухитдинов, О.К.Иминов Проблемы повышения финансово-экономической эффективности инфокоммуникационных услуг в

Узбекистане. Ташкент. “Академия”. 2007 год.

31. Ш.А.Турсунов “Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантириш истиқболлари” Монография, Тошкент, 2013 йил.

### **Интернет ресурслар**

32. <http://www.mitc.uz> (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги)

33. <http://www.ict.gov.uz> (Компьютер ва ахборот – коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш)

34. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси )

35. <http://www.uzinfocom.uz> (Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази)

36. <http://www.uztelecom.uz> (Ўзбектелеком акциядорлик компанияси)

37. Рейтинг стран мира по уровню прямых иностранных инвестиций. Гуманитарная энциклопедия [Электронный ресурс] // Центр гуманитарных технологий. — 09.12.2014 (последняя редакция: 20.05.2015). URL: <http://gtmarket.ru/research/foreign-direct-investment-index/info>

38. Пятерка наиболее перспективных направлений в сфере IT [Электронный ресурс] // сайт MBA Consult. URL: <http://blog.mbaconsult.ru>